Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 12 (19.980) • 1988 йил 15 январь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ДАВРНИНГ ЖЎШҚИН ОБРАЗИ

«Советлар мамлакати» бадиий кўргазмаси марказий кўргазмалар залида икки ярим ойдан ортиқ вақтдан буён очиқ бўлишига қарамай, шу кунгача минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари барча иттифоқдош республикаларнинг рассомлари ижоди билан танишиш мақсадида манежга ошиқмоқдалар. Турли йўналишларда ижод қилувчи таниқли усталар ҳамда ёш авторларнинг полотнолари ва гобеленларида, ҳайкаллари ва графика асарларида, картиналаридa Советлар мамлакатининг образи, унинг шонли тарихини яратган ва ҳозирги кунини давом эттираётган кишилар сиймоси акс эттирилган.

13 январь куни кўргазмани М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, И. В. Капитонов ўртоқлар бориб кўрдилар.

Экспозиция ҳажми жуда катта. Бу ерда қарийб бир ярим минг муаллифнинг салкам 2500 асари намойиш қилинган. Уларнинг аксариятида шу кун нафаси уфуриб турибди, ижодкор зиёлиларнинг Улуғ Октябрь билан, мамлакат тараққиётининг муҳим паллалари билан, социалистик жамиятнинг бугунги турмуши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни янада аниқ, ҳаққоний ва саминий тасвирлашга интилиши сезилиб турибди.

Ватанимизнинг қайта қуриш давридаги жўшқин қиёфаси полотноларда, ҳайкал ва графика асарларида ҳозирча тўла акс эттирила олмаган албатта. Аммо мавзуларнинг хилма-хиллиги — рассомчилигимизнинг ана шу муҳим соҳаларида янгиланишнинг дастлабки куртакларидир. Рассомлар, ҳайкалтарошлар, графика усталари биз учун Ленин образини бамисоли қайтадан кашф этганлар, унинг ишлари улуғворлигини эмас унинг фикрлари теранлигини, эътиқоди кучлилигини ҳам яққол тасвирлаганлар. Умуминсоний абадий категориялар — эзгулик, ҳақиқат, адолатга мурожаат қилинган чуқур фалсафий асарлар зўр қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма жамиятимиз Ватанимиз барча халқларининг маънавий имкониятларини юзага чиқариш, миллий рассомчилик мактабларини равнақ топтириш, уларни ўзаро бойитиш учун чексиз имкониятлар очиб бераётганлигини яққол кўрсатди. Кўргазма социалистик реализм санъатининг маҳсулдорлигини, ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос зўр ижодий истеъдодларини, жанр ва услубларнинг, бадиий изланишларнинг хилма-хиллигини намоён этади.

Экспозицияни муҳокама қилиш чоғида рассомларнинг ғоявий-эстетик позицияларини шакллантиришга нисбатан ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш зарурлигига эътибор қаратилди. Ҳаётий ҳақиқатга бой, самимий зўр бадиий ифодаси билан ажралиб турадиган асарларгина социалистик жамият турмушининг барча жиҳатларини революцион янгилаш вазифасини ҳал этишга актив кўмаклаша олиши таъкидланди.

(ТАСС).

ЯНГИЧА ШАРОИТ ТАҚОЗОСИ

Давлат корхонаси ҳақидаги Қонун — ишчи-ю мутахассиса, раҳбар ходимларга — барчага баравар даҳлдор.

Хўжалик ҳисоби талаблари шу тартибда ишлашга кўчганларни сергаклантириб қўйди. Фойда-зарарни обдон ҳисоб-китоб қилиш вазияти кучайди. Тўла хўжалик ҳисобида ишлашга ўтганлар энди: «Менинг корхонам план-топшириқларни бажарармикан! Шартнома мажбуриятлари адо этиладими! Хўжалик ҳисобидан келадиган даромаддан олинадиган фойда салмоғи қанақа бўларкин! Техника-ускуналарни янгилаш қай аҳволда! Биз фойдаланишимиз зарур бўлган яна қайси резервлар қолди!» дея ўйлайдиган, шунга эришиш чораларини кўрадиган бўлиб қолишди.

Бундай мулоҳаза қиниш Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонуни амал қила бошлагандан кейин, 1988 йил 1 январдан бошлаб, айниқса кучайди. Қонун кучга кириши билан бизнинг хўжалик юритишимизда принцип жиҳатидан янги босқич бошланди. Бу босқич бошқарувнинг иқтисодий методларига зўр бериши, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари мустаҳкам қарор топишини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда хўжалик ҳисобида ишлаш республикамиз учун янгилик эмас. Бу соҳада оз бўлса-да, тажриба бор. «Каршинефть» бошқармасида ишловчиларнинг учдан икки қисмини қамраб олган бўлиналарда ўтган йили хўжалик ҳисоби жорий қилинганди. 25 бригададан иборат икки цех дастлабки имтиҳондан ўтди. Шимолий Ўртабулоқ нефть ва газ қазиб олиш цехи 213 минг сўм иқтисодий самарага эришди. Цехда меҳнат унумдорлиги 4,4 процент ортганн ана шундай натижани таъмин қилди. Умуман кон бошқармасида ўтган йили аввалги бир йилдагига нисбатан 4,5 процент кўп нефть ва табиий газ қазиб чиқарилди. Бу ўзига хос олга силжиш омилларидирки, шу омилларга таяниш туфайли 1987 йилда планга қўшимча 1 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди. Ўз харажатларини қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, корхонани ривожлантириш, коллектив аъзолари турмуш шароитларини яхшилаш учун зарур маблағларни ишлаб топиш йўли қизғин давом эттирилмоқда. Корхона коллективи ҳозир тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчган.

Шуни айтиш керакки, давлат корхонаси ҳақидаги Қонун кучга киргунга қадар аксарият ишчилар, ҳатто мутахассислар ва раҳбар ходимлар иқтисодий масалалар билан тегишли даражада чуқур шуғулланишмас эди. План бажариш, мукофот олиш пайида бўлиниар, ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш учун зўр бериб курашишарди. Бошқача айтганда, экономика тараққиётини белгилаб берувчи асосий иқтисодий ҳамда техникавий талабларга бефарқ қараб келинди. Энди бунақа лоқайдликка барҳам бериш вақти келди.

Давлат корхонаси ҳақидаги Қонун ҳужжат сифатида амал қила бошлагач, кўрсаткичлар сони кескин камайиб, иқтисодий омиллар алоҳида назар-эътиборга олинадиган бўлиб қолди. Фойда кўриш, зиённи бартараф этиш, планларни сўзсиз бажариш, шартнома мажбуриятлари узлуксиз адо этилишини таъминлаш зарурати туғилди. Янгича ишлашга ўтган корхоналарнинг коллективлари бюджетни қоплаш, меҳнат кишисини моддий рағбатлантириш, корхона қувватларини муттасил ошириб бориш, коллектив аъзолари учун социал, маданий-маиший шароитлар яратиш пайида бўлиб қолдилар.

Мана икки ҳафтадирки, республикада хўжалик ҳисобида ишловчи тармоқ корхоналари сафи кенгайди. 1987 йили 1248 саноат корхонаси, ташкилоти, савдо муассасаси хўжалик ҳисобида ишлаган бўлса, бу йил 1 январдан эътиборан улар қаторига яна 627 корхона қўшилди. Бу коллективлар корхона мустақиллиги имкониятлари, фаолиятнинг пировард натижаларидан энди рўйрост фойдалана оладилар.

Шунга қарамасдан бошқарув, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилувчи бўғинларнинг, қатор корхоналарнинг ва министрликларнинг раҳбарлари эскича ишлаш одатларини тарк этганлари йўқ. Масалан, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигида план-топшириқларни буйруқ билан белгилаш практикаси давом этяпти. Министрликнинг Термиздаги 165-қурилиш трестига ўтган йили 14 миллион 730 минг сўмлик иш бажариш план қилиб берилганди. Бу йил эса 20 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилиши маълум қилинди. Ачинарлиси шуки, трест бўлинмаларидаги қувватлар ҳозир икки йил аввалгидагидан фарқ қилмаслиги инобатга олинмади. Афсуски, планлаштиришдаги бунақа «тартиб» бошқа тармоқларда ҳам учраб турибди.

Мустақиллик корхона тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Бу давлат томонидан қонун билан мустаҳкамлаб берилди. Энди шу мустақиллик неъматларидан бахраманд бўлиш учун маблағ топиш керак. Маблағ эса ишлаб топилади. Бунинг учун маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ўзи кифоя эмас, тайёрланган маҳсулотга буюртмачи, харидор бўлиши зарур. Сотилмаган маҳсулот корхонага, демакки уни тайёрлаганларга ҳам фойда келтирмайди. Замонавий, сифатли, техникавий жиҳатдан мукаммал маҳсулот тез сотилади. Сотилгани ҳисоб. Акс ҳолда Бухоро тўқимачилик комбинатидаги сингари ҳузурини омбор кўриб ётаверади. Хўжалик ҳисоби бунақа иш юритишни хуш кўрмайди.

Таъминотчилар ўз бурчларини сидқидилдан, мавжуд тартиб-қоидага биноан ташкил этмас эканлар, хўжалик ҳисоби равон йўлга тез тушиб кетолмайди. Самарқанд чинни буюмлар заводи худди шундай номувофиқлик жабрини тортмоқда. Янгича ишлай бошлаган завод чиннисозлари коалин ҳамда махсус тупроқлар муаммоси важидан қийналмоқдалар. Носоз хом ашёдан сифатли маҳсулот тайёрлаб бўлмаслиги аён. Афсуски, таъминот органлари юқори сифатли коалин ўрнига иккинчи, ҳатто учинчи сорт хом ашё юборишга ўрганиб қолишган. Чиннисозлар эса нуқул сифатли маҳсулот тайёрлаб, харидор обрўсини қозонишмоқчи, кўпроқ фойда олишмоқчи, фойданинг ҳузурини кўришмоқчи.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш меҳнат кишиси фаоллигига боғлиқ. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари снёсий-тарбиявий, оммавий ишлар марказини бевосита меҳнат коллективларига кўчиришлари зарур. Шундай қилиш меҳнат кишисининг умумий ишга қўшадиган шахсий ҳиссасини кўпайтиради, хўжалик ҳисобида ишлаш самараларини оширади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига жойларда пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Кўплаб ишчилар ва бригадалар конференция очиладиган кунни беш йиллик уч йили планларини бажариш билан нишонлаш ҳаракатини авж олдириб юбордилар. Вазифа — бунёдкорликдаги шонли ҳаракатларга лозим даражада мадад кўрсатишдан, уларни қўллаб-қувватлашдан, кенг ёйишдан иборат. Бунда янгича ишлаш шароитларида ҳар бир меҳнаткаш ўз резервларини тўла ҳаракатга келтира олишига имконият яратиш диққат-эътиборда бўлсин.

Давлат корхонаси ҳақидаги Қонун масалани шу таҳлитда ўткир қилиб қўймоқда. Бу талаб ишчи-ю, мутахассисга, раҳбар ходимларга — барчага баравар даҳлдор.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳридаги 22-болалар музика мактабининг директори ўртоқ Иосиф Цемахович Ладинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

✦ ПОТОК УСУЛИДА

Термиздаги тикувчилик фабрикасининг барча бригадалари поток усулига ўтдилар. Бунинг самараси яққол кўзга ташланди: меҳнат унумдорлиги ошди, технология қоидалари бузилиши камайди. Бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг илғор формасига олдиндан тайёрландилар. Уни икки цехда синаб кўрдилар. Кадрларнинг ўрнини алмаштирдилар.

✦ МУКОФОТ БОЛАЛАР ФОНДИГА

Янги Ангрен ГРЭСи ремонт цехининг коллективи ўз мукофотини 707-счётга — Совет болалар фондига ўтказди. Мукофот 450 сўм бўлиб, ремонтчиларга беш йилликнинг иккинчи йилида зарбдор меҳнат учун берилган эди. Ҳозир коллектив ишига иш қўшилди: станциянинг тўртинчи энергоблоки ишга туширириб юборилди. (ЎзТАГ).

• МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ШАЙЛАНАЙЛИК!

ИШ ҚИЗҒИН

Шу кунларда Коммунистик районидаги Свердлов номли колхознинг марказий ремонт устахонасида иш қизғин. Механизаторлар 48 ҳайдов трактори ва 31 сеялкани 1 февралгача тахт қилиб қўйишга аҳд қилишган. Ҳозиргача 35 ҳайдов трактори ва 22 сеялка старт чизиғига келтирилди. Суратларда: 1. Механизаторлардан А. Маутов ва Р. Ҳасанов ўз тракторлари ремонтини тугатиш арафасида. 2. Асбобсоз С. Хегай. 3. Тайёр тракторлар.

В. Молгачев фотолари.

ИЛҒОРЛАР ШУНДАЙ БЎЛСА...

Сурхон воҳаси деҳқонлари кўкламги экишга ҳозирлик ишларини авж олдириб юбордилар. Бунда мавжуд машина ва механизмларнинг мавсумга тўла ва сифатли шай қилиб қўйилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади, албатта.

1988 йил 1 январгача бўлган маълумотларга кўра область хўжаликлари ихтиёридаги 15.455 трактордан 13.788 таси ёки 89,2 процента, шу жумладан 3054 ҳайдов тракторидан 2600 таси, ёки 85,1 процента ремонт қилинган. Юк ташийдиган автомашиналарнинг 82,4 процента, трактор прицепларининг 87,3 процента, ер ҳайдайдиган плугларнинг 81,4 процента, чигит экадиган сеялкаларнинг 84,4 процента, культиваторларнинг атиги 58,6 процента ремонтдан чиқарилган. Бойсун, Ангор, Сариосиё, Гагарин районларида эса техника ремонти областнинг ўртача кўрсаткичларидан ҳам анча орқада қолмоқда.

Маълумотларда техника ремонти яхши, деб таъкидланган Жарқўрғон районида бўлганимизда кўнгилсиз аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Район хўжаликларидаги 458 чопиқ тракторидан энди 339 таси қўлдан чиқарилган. Ёки топшириқ 74 процент атрофида уддаланган.

Район агросаноат бирлашмасининг ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи ўртоқ У. Исмоилов айрим эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги белгиланган графиклариниг бузилишига сабаб бўлаётгани ҳамда поток усули ва ремонт ишларининг бир маромда боришига тўғаноқ бўлаётганлигидан зорланиб гапирди. Колхоз ва совхозлар ихтиёрида 250 та «Д—4» маркали ҳайдов тракторлари бўлиб, улардан 50 таси капитал ремонт қилиниши керак. Аслида эса улардан учдан бирига ҳали қўл урилган эмас.

Корхона устахоналарини кўздан кечирамиз. Бу ерда моторлари ва айрим қисмларни ремонт қилинган тракторларни йиғиш ва ремонтдан чиқариш имкони бўлмаётир,— дейди устахона мудири Шарифа Бобоёрова.

— Масалан, 95-47-12 ва 75—19 подшипниклар таъминотчи ташкилотлар томонидан юборилмаганлиги учун конвейер тўхтаб қолди. Ремонтчилар эса иккинчи даражали ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар.

Хўжаликлар ихтиёридаги марказий ремонт устахоналарида ҳам техника ремонтининг аҳволи ночор аҳволда. Жумладан, «Бўстон» совхозида чопиқ тракторларининг атиги 60 проценти, «Социализм» колхозида 61 проценти наридан-бери ремонт қилинган. Кўпчилик хўжаликларда техника воситалари қўлдан кетгунча қабилида пала-партиш ремонт қилинаётганлиги айниқса афсусланарлидир. Куни кеча техника назорати инспектори Ф. Ботиров томонидан «Сурхон» совхози ва бошқа бир қатор хўжаликларда ўтказилган текширишда «тўла ремонт қилинди» деб сафга тизиб қўйилган тракторларнинг кўпчилигида жиддий нуқсонлар аниқланди ва уларнинг бир қисми дала техника ремонти билан шуғулланадиган корхона ва муассасалар қўпайиб кетди. Уларнинг бири иккинчисига бўйсунмайди. Трактор моторларини ремонт қиладиган Термиздаги заводда мутахассислар етишмаслигидан двигателлар сифатсиз ремонт қилиняпти. Шу боис хўжаликлар кўпинча моторларни Тошкентга олиб бориб, катта харажат эвазига ремонт қилдиришга мажбур бўлишаётир. Сариосиё ва Деновдаги ихтисослаштирилган ремонт корхоналари ҳам ремонт муддатларини ҳаддан ташқари чўзиб юбормоқдалар. Техникани хўжаликларнинг ўзларида ремонт қилиш имконияти ҳам чекланган. Чунки область агросаноат комитети колхоз ва совхозларни зарур эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида ва тўла таъминламайди. Ана шуларнинг ҳаммаси ишимизга жиддий тўғаноқ бўляпти.

Биз бунга жойларда одамлар билан суҳбатлашганимиз да ҳам амин бўлдик. Улар ремонт ишларини хўжаликларнинг ўзлари бажаришса сўръат тез, сифат соз бўлишини айтишди. Бу ҳақда агросноат комитети раҳбарлари ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

А. ХАЛИЛОВ.

«Совет Ўзбекистони» мух. бири.

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Республикамизда таниқли партия, уруш ва меҳнат ветерани Нишон Ризаев анчагина қийин ғалабалар, ташвишлар ва курашларни бошидан кечирган. У Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин большевиклар партияси сафига кириб, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган кишиларнинг шонли авлодига мансубдир.

Нишон Ризаев кўп йиллар Совет Армияси сафларида хизмат қилди, мамлакатимизда социализм қурилишида фаол иштирок этди. У ҳамиша Ленин партияси иши учун матонатли ва мард курашчи, совет Ватанининг содиқ фарзанди сифатида намоён бўлди.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда актив иштирок этганлиги, самарали ижтимоий фаолияти учун ҳамда туғилган кунига тўқсон йил тўлиши муносабати билан Нишон Ризаев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Октябрь Революцияси ордени билан тақдирланди.

14 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский Нишон Ризаевга юксак давлат мукофотини топширди.

Орденни топириш маросимида Ўзбекистон ССР Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов ҳозир бўлди.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ СОАТДА

◆ ЖЕНЕВА. Ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет—Америка музокараларидаги АҚШ делегациясининг бошлиғи Макс Кампельман Вашингтондаги учрашувда ўртача ва камроқ оғирлик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома имзоланганлиги бутун дунёда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, бу йўлда янги имкониятлар очиб беради, деди.

◆ САН-ФРАНЦИСКО. Кейинги йилларда Калифорнияда ғоят хатарли жиноятлар кўпайиб борайётганлиги рўйхатга олинди. Полиция статистикаси 1986 йилнинг ўзидагина қотиллик Америкаининг ана шу энг катта штатида 6,7 процент кўпайганлигидан далолат беради. Дастлабки маълумотларга кўра, кейинги пайтларда аҳвол ҳамон ёмонлашиб бормоқда.

(ТАСС).

• Хўжасизлик—қайта қуриш душмани

ЁПИҚЛИК ҚОЗОН ОЧИЛИШИ ЗАРУР

Бармоғингизда жароҳат бўлса, уни кесиб ташламайсиз, даволашга ҳаракат қиласиз. 151-механизациялашган кўчма колонна «Узагропромстрой» учун бамисоли бармоқдаги ярадай гап.

Кўчма колоннада ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, на планлар бажариларди, на қурилиш сифатига эътибор бериларди. Давлатни алдаш шунчалар авжига чиқиб кетгандики, эскича иш методларидан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги ҳақиқатни колонна раҳбарларига уқтириб бўлмасди.

Хуллас «яра»ни кесиб ташлашга тўғри келди. Кўчма колонна тугатилди. Бу энг осон йўл эди. Ҳамма ташвишдан қутилди. Айниқса, колонна раҳбарларининг қувончи чексиз эди. Уларнинг ҳатто давлатнинг неча минглаб сўм маблағи елга совурилгани билан ҳам ишлари бўлмади. Чала объектлар кўп эди. Улар қуриб битказилди, деб сохта актларга жимжимадор имзолар чекишди. Аниқ қилиб айтганда, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди.

Кўчма колоннанинг тугатилиши раҳбарлар учун айни муддао бўлди-ю, аммо Зарбдор районининг янги маркази — Бўстон посёлкаси аҳолисига катта ташвиш келтирди. Чунки посёлканинг 1-микрорайонидаги 16 квартирали уйларда оддий шароитлар ҳам йўқ эди. 1983 йилдан буён одамлар яшаб келаётган 3 «а» ва 3 «б» уйларга ўрнатилиши лозим бўлган 32 дона газ плитаси, жавонлар ғойиб бўлган. Бу уйларга тахта пол қоқиш ҳам қурувчиларнинг ёдидан кўтарилган».

Кейинроқ қурилган 3 «в» ва 3 «г» уйлардаги хоналар табиий газдан маҳрум.

3 «г» уйдаги пардозлаш ишларини «Джизакоблагропромстрой»га қарашли 63-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бажаришган. Бу уй микрорайондаги энг мукаммали ҳисобланади. Ана шу «намунали уй» қурилишида ҳам 12 минг 414 сўмлик бажарилмаган иш бажарилди, деб қўшиб ёзишга йўл қўйилди.

Уй олдида қудратли трансформатор савлат тўкиб турибди. Аммо аҳоли квартираларга четдан электр энергияси олмоқда.

— Тўрт йилдан буён аҳвол шу. Нахотки ҳеч ким бу тўғрида ўйламайди? — деди ўт ўчирувчи Сафар Маматқулов.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Туроб Муҳаммадиев, район халқ маорифи бўлими ходими Мусулмон Эшбеков, ички ишлар бўлими ходими Ҳайдар Умматов, дурадгор Ҳамид Абдукаримов ва бошқалар ҳам шу мазмунда арз қилишди.

Район ижроия комитети раисининг қурилиш бўйича ўринбосари В. К. Лебедев шундай деди:

— Ҳаммасидан хабарим бор. Бу масалада область ижроия комитетига, «Джизакоблагропромстрой» бирлашмасига кўп мурожаат қилдик. Улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Виктор Константинович 1987 йил 2 октябрда область ижроия комитетига юборилган 301-сонли хатнинг нусхасини кўрсатди. Унда аҳвол батафсил баён қилинган ва чоралар кўриш сўралган эди.

Область ижроия комитети қурилиш бўлими бошлиғи Б. М. Жолдоровга Зарбдор райони марказидаги уйларнинг аҳволи тўғрисида батафсил изоҳ беришнинг ҳожати бўлмади.

— Ҳаммасидан хабардорман, — деди у стол тортмасидан 301-сонли хатни олар экан. — Бу иш масъул ўртоқларга топширилган.

— Хўш, улар ўтган бир ой ичида бирон иш қилишдими?

— Ҳозир биламиз-да, — Бахит Муҳиддинович телефон трубкасини кўтарди. «Джизакоблагропромстрой» бирлашмасига кўп мурожаат қилдик. Улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Область ижроия комитети қурилиш бўлими бошлиғи З. Х. Халилов трубкани олди.

Бахит Муҳиддинович З. Халиловнинг жавобидан қониқиш ҳосил қилди шекилли, трубкани жойига қўйиб, бизга юзланди:

— Зульвер Халилович бугун йиғилиш ўтказиб, бўлинмалар бошлиқларига кўрсатма бермоқчи. Эртага қурувчилар Янги Бўстонда иш бошлашади.

Қанча вақтдан буён чўзилиб келаётган бу ишнинг хамирдан қил суғургандай осон битажагидан бошимиз осмонга етди.

Аммо хурсандчилик узоққа бормади. З. Халилов зудлик билан юбориши лозим бўлган қурувчилардан ҳамон дарак йўқ.

Яна унинг ҳузурига йўл олдик.

— Ҳаммасидан хабардорман, — дея сўз бошлади у. Ҳозироқ йиғилиш чақираман. Қурувчилар керакли материаллар ва анжомлари билан етиб боришади.

Афсуски, бу ҳам пуч ваъда бўлиб чиқди.

«Ҳаммасидан хабардор» раҳбар акалар нахотки ахийри бебурд бўлиб қолишларини ўйламасалар.

Ниҳоят, яна алоҳида таъкидлаймизки, 32 газ плиткасини гумдон қилган, уйларга тахта пол ўрнига линолеум тўшаб кетган, ажратилган қурилиш материалларини йўқ қилган, бажарилмаган ишларни бажарилди, деб иш ҳақи олган кўзбўямачилар жиноятлари учун қонун олдида жавоб беришлари керак.

Зарбдор район прокуратураси эса 151-механизациялашган кўчма колонна тарқатиб юборилгач, ёпиқлик қолган қозонни очиши зарур.

Ҳ. ҲОТАМҚУЛОВ,

«Зарбдор» газетаси масъул секретари.

• Партия турмуши: комитетнинг иш услуби

ОЛДИНДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида пойтахт область партия ташкилотларининг бу борадаги фаолияти кескин танқид қилинган эди. Хўш, танқиддан тегишли хулоса чиқариб олиндими? Бу соҳада қандай ижобий ўзгаришлар рўй берди? Биз мана шу саволларга жавоб ахтариб, Чирчиқ шаҳридаги йирик корхоналардан бири —СССР 50 йиллиги номли ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати партия комитети фаолияти билан танишдик.

ЭЪТИРОЗ

Комбинат партия комитети қошидаги партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси суҳбатига таклиф этилганини эшитиб, ремонт-қурилиш цехи катта мастери А. Шералиев ҳаяжонланди. Қандай саволлар беришар экан, ишқилиб уялиб қолмасам бўлгани деб кўнглидан ўтказди. У шу цехдан ҳарбий хизматга чақирилиб, яна ўз коллективига ишга қайтди. Яқинда цех партия ташкилотига берган аризаси инобатга олиниб, партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиш учун резерв составига киритилди. Демак, ишонишган. Ҳозир коллективда тутган ўрни, обрўси ҳам жойида. Шахсий план кўрсаткичлари эса ҳамкасбларникидан анча юқори. Шуларни ўйлаб А. Шералиев ўзини анча дадил ҳис қилди.

Суҳбат қисқа ва лўнда бўлди. Асосан Шералиевнинг ўз устида доимий ишлаши, интизомли, яхши мутахассис эканлиги, социалистик мусобақада бир неча маротаба ғолиб чиққанлиги ҳақида одатдагидек гап борди. Бироқ суҳбат якуни кутилмаганда бошқача тус олди. Комиссия аъзолари А. Шералиев фаолиятини маъқуллабгина қолмай, ҳатто эътироз билдиришди.

— Коммунист бўлиш учун бу жиҳатларнинг ўзи етарли эмас, — деди комиссия раиси В. Камишанова. — Коммунист ишлаб чиқаришда ташаббускор бўлиш билан бирга, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира билиши лозим. Бугунги талаб эса янада юқори — у ўзини қайта қуриб олиш билан чекланмай, ўз онгини, ишини қайта қуриб олишида атрофидагиларга ҳам ёрдам бериши керак. Бунинг учун ундан сиёсий ҳушёрлик, юксак онглилик, ҳар қандай янгиликнинг байроқдори бўлиш талаб этилади. А. Шералиев эса ҳеч қандай жамоат топшириғига эга эмас. Бу унинг коллектив ҳаётидан четда қолаётганини кўрсатади. Бундан ташқари олий маълумотли мутахассиснинг бирорта ҳам вақтли матбуот нашрларига обуна бўлмагани ажабланарли. Бундай аҳволда у сиёсий билимини қандай ошириб боради?

Бу воқеа А. Шералиев учун сабоқ бўлди. У коммунистдан талаб ўзи тасаввур қилганидан кўра анча юқори эканлигини биринчи марта чуқур ҳис этди.

КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш учун резервга олинган ҳар бир киши билан мана шу тарзда суҳбат бўлиб ўтади. Комбинат партия комитети қошидаги партия комиссияси аъзолари улар ўз билимини ошира боришлари ва фаолиятидаги айрим камчиликлардан тезроқ халос бўлиб олишлари учун йўл-йўриқ кўрсатиб маслаҳатлар беришади. Лекин улар билан мулоқот шу билан тугамайди. Бундай кишилар комиссия аъзоларига ўз устида қандай ишлаётганликлари тўғрисида тез-тез ҳисоб бериб турадилар. Бу ҳол у партия аъзолигига кандидатликка қабул қилингандан сўнг ҳам давом этади. Худди шундай резервга олинган кадрга ёки партия аъзолигига кандидатга қандай ёрдам бераётгани ҳақида партия ташкилоти ва масъул коммунистнинг ахбороти ҳам комиссия мажлисларида тинглаб борилади.

— Фаолиятимизни янада такомиллаштириб боряпмиз, — дейди комиссия аъзоси, комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари Л. Нестеренко. — Кандидатликка ёки партия аъзолигига ўтиш учун кафолат берган коммунистга нисбатан ҳам талабчанликни оширдик. Негаки, коммунистнинг ўзи кафолат берган киши тақдири билан қизиқмаслиги лоқайдликдан бошқа нарса эмас. Коммунистнинг эса бепарво, лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ.

КАФОЛАТ МАСЪУЛИЯТИ

Тавсиянома бериш масъулиятини ўз партия ташкилоти, коммунистлар ва виждони олдидаги жавобгарлик туйғусини ҳамма бирдек ҳис қилаётгани йўқ. Бунга коммунистлар билан бўлган суҳбатлар давомида ишонч ҳосил қилдик. Т. Шоназаров партия аъзолигига ўтиш учун ўзи кафолат берган комсомол аъзоси М. Анваров фаолияти ҳақида тўлқинланиб гапирди. Анваровнинг барча жиҳатлари, характери, оилавий шароитигача батафсил билиши у ёш шогирдининг қувонч ва ташвишларига шерик эканлигидан далолат берарди. Бу албатта, М. Анваровнинг кандидатлик муддатини муваффақиятли ўтаётганда ўз аксини топаётир.

Бироқ айрим коммунистлар ўзи тавсиянома берган партия аъзолигига кандидат ёки ёш коммунист ҳақида унутиб қўйишмоқда. Биз электр цехи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Л. Деминнинг партия аъзолигига кандидатликка ўтиш учун ўзи кафолат берган комсомол аъзоси И. Гричишний билан қандай иш олиб бораётгани билан қизиқдик.

— Ҳозир Гричишний қўшни участкада ишлаяпти. Кандидатликка ўтаётганида қайси бир ўқишга кирмоқчи эканлигини эшитгандим... Яхшиси у билан бирга меҳнат қилаётган одамлардан сўрасангиз, батафсилроқ маълумот беришади, — деди у.

Кўринib турибдики, бу ерда амалий фаолиятдан қоғозбозлик устун келган. Л. Демин И. Гричишнийга расмият учунгина тавсиянома берган. Шундан сўнг эса у ҳақда бошқа ўйламаган. Аслида улар бир-бирига мураббий ва шогирд бўлишлари керак эди. Ҳозир эса бу «мураббий» ва «шогирд» ўртасидаги муносабатни чинакам кафолатнома эмас, бир парча қоғоз боғлаб турибди, холос.

— Шу пайтга қадар партия аъзолигига кандидатликка ва КПСС сафига ўтиш учун неча кишига кафолат бердингиз? — сўраймиз Л. Деминдан.

— Жуда кўп одамга. Саноғига ҳам етиш қийин. Улар ҳозир турли жойларда меҳнат қилишяпти, — деди у ва бироз ҳушёр тортиб, гапини давом эттирди. — Кейинги пайтларда партия йиғилишларида кафолат масъулияти ҳақида кўп гапириляпти. Ўша пайтларда, баъзан мен ҳам кафолат берган одамларим бир кун келиб ўзимни уялтириб қўймаса, деб ўйлаб қоламан.

Бу бежиз эмас, албатта. Охирини ўйламай ўз вазифасини қўл учида, нариндабери бажарган ҳар бир киши бугун ўз тинчини йўқотиши табиий ҳол. Бундай аҳволга тушмаслик учун Л. Демин ҳам тавсиянома масъулиятини «баъзан» эмас, ҳамиша ёдида тутиши лозим эди. Бундан ташқари чинакам мураббий неча кишини қўлидан тутиб, катта йўлга олиб чиққанини ҳеч қачон унутмайди.

ТАЛАБ ВА ШАРОИТ

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қароридан сўнг комбинат партия комитети фаолиятида анча ўзгариш рўй берди. Қисқа вақт ичида партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Партия комитети қошидаги партия комиссияси ҳамда партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси фаолияти анча жонланди. Комитет йиғилишларида партия аъзолигига кандидат ва ёш коммунистларнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш йўлга қўйилди. Бироқ бу ҳамма ишлар жойида, деган гап эмас. Бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп. Жумладан, партия қуйи бўғинлари ўз фаолиятларини суст қайта қурмоқдалар. Бунга партия комитети уларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборгани сабаб бўлаётир.

Партия комитети мажлисида М. Анваров, Н. Шакирзянова, З. Худойқулов ва И. Гричишнийларнинг кандидатлик муддатини қандай ўтаётганликлари тўғрисида ҳисоботлари тингланди. Уларнинг айримлари ҳатто шаҳар партия комитетида ҳам ҳисоб бердилар. Бироқ цех партия ташкилотларида шу пайтга қадар улар бирортасининг ҳам ҳисоботи тингланмади. Бу цех партия ташкилотларида партия аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганининг далилидир. Ёшларнинг сиёсий, иқтисодий ва комсомол ўқувларига иштироки ҳам назоратга олинмаган. Бундай аҳволда уларнинг ижтимоий активлигини ошириш, сиёсий билимини мустаҳкамлаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, кейинги йилларда партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинган ёш коммунистларнинг 80 проценти комсомол сафидан етишиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам комсомол етакчилари ёки унга масъул этиб биркитилган. Лекин шунга қарамай, комбинат комсомол комитети ва комсомол ташкилотлари бу ёшлар тақдири билан қизиқмайди. Фақат улардан комсомол иштари қай даражада бораётганини сўраб-суриштириб, талаб этишадию, кандидатлик муддатларини қандай ўтаётганликларини сўрашмайди.

Комсомол комитетида партия сафига кирувчи ҳар бир комсомол аъзоси билан якка тартибда ишлаш йўлга қўйилмаган. Ҳамиша ҳам уларнинг сиёсий, ишчанлик, ахлоқий сифатлари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилмаётир. Партия комитети эса комсомолга ишониш билан бирга унга партиявий раҳбарликни ва ҳар томонлама амалий ёрдамни унутмаслиги лозим.

Шунингдек, партия комитети барча ишлаб чиқариш участкаларини партия таъсири билан қамраб олишга етарли эътибор бермаяпти. Айрим ишлаб чиқариш участкаларида йиллаб КПСС сафига бирор киши ҳам қабул қилинмаган. Шу туфайли 191 бригаданинг атиги тўрттасида партия группаси бор, холос. Партия группалари ва цех партия ташкилотларининг аксариятида ҳамон конли партиявий иш етишмаяпти.

Партия ташкилотлари фаолиятидаги бундай камчиликлар коммунистларни аттестациядан ўтказишга киришилган дастлабки кунларданоқ яққол сезилиб қолди. Тўғри, партия комитети коммунистларнинг бу муҳим сиёсий ва ижтимоий активлик кўригини ўз вақтида ўтказиш учун барча чора-тадбирларни ишлаб чиққан. Унга мувофиқ ҳозир мавжуд 26 та цех партия ташкилотининг 18 тасида аттестация бошлаб юборилиши ва 1987 йил 80 нафар коммунистни аттестациядан ўтказиш мўлжалланган. Амалда эса ўтган йилнинг охиригача бор-йўғи 16 киши аттестациядан ўтди, холос. Улар ҳам аттестация комиссияси аъзоларидир. Цех партия ташкилотларининг бирортасида ҳам ҳали бу ишга киришилгани йўқ. Ҳолбуки, цех партия ташкилоти секретарлари аттестацияга тавсия этилган коммунистлар рўйхатини 15 кун олдин партия комитетига беришлари лозим эди.

Юқорида қайд этилган фактлардан кўриниб турибдики, комбинат партия комитетининг партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлаш тўғрисида белгилаган чора-тадбирларининг ҳаммаси ҳам тўла амалга ошаётгани йўқ. Уларнинг айримлари қоғозда қолиб кетмоқда. Натижада партия қуйи бўғинларида қайта қуришга чинакамига киришилгани йўқ. Аслида эса қайта қуриш айнан мана шу жойлардан бошланиши керак.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига навбатдаги тингловчилар ва аспирантларни қабул қилиш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига тингловчилар ва аспирантларнинг навбатдаги қабули эълон қилинди.

Қабул иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг тавсияномалари асосида амалга оширилади. Марказий ташкилотлар ва идеология муассасаларининг ходимлари ана шу ташкилотлар ва муассасалар партия комитетлари (коллегиялари) томонидан КПСС Москва шаҳар комитети орқали расмийлаштирилади.

Сиртқи-кундузги бўлимга партия, совет, идеология ходимлари республика, ўлка, область хўжаликлари, шунингдек марказий ташкилотлар ҳамда идеология муассасалари аппаратидаги раҳбарлик ишлари учун кадрлар резервини тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Таълимнинг сиртқи-кундузги формаси уч йилга мўлжалланган. Сиртқи цикл икки йилга, кундузги цикл эса эгаллаб турган лавозимидан бўшатилмаган ҳолда бир йилга мўлжалланган.

Академиянинг аспирантура расига кирувчилар КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, СССР тарихи, партия қурилиши, совет давлат қурилиши ва ҳуқуқ, идеология ишлари, социалистик маданият, халқ хўжалиги экономикаси, социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш, жаҳон сиёсати ва КПССнинг халқаро фаолияти, оммавий ахборот воситалари, амалий социология ва психология кафедраларига, шунингдек илмий атеизм институтига қабул қилинади.

Аспирантурага олий маълумотли, ёши 35 гача бўлган, камида уч йил партиявий стажи бор партия, совет, идеология органларининг масъул ходимлари, партия ўқув юртлари ва илмий муассасаларининг ўқитувчилари ва илмий ходимлари конкурс йўли билан қабул қилинади. Аспирантурага кирувчилар КПСС тарихи (философия), ўзи танлаб олган мутахассислик бўйича ва чет тилидан конкурс кириш имтиҳонлари топширадилар, актуал мавзудаги реферат, шунингдек эълон қилинган асарлари, журналдан газета ва журналларда босилган мақолалари рўйхатини тақдим этадилар.

Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари аспирантурага тавсия этилаётганлар ҳужжатларини академия ректоратига 15 февралгача, сиртқи-кундузги бўлимга тавсия этилаётганлар ҳужжатларини эса 1988 йил 1 апрелгача юборадилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи-кундузги бўлимга кирувчилар апрель-май ойларида суҳбатга таклиф этиладилар, аспирантурага тавсия қилинганлар эса 1988 йил майиюнь ойларида кириш имтиҳонларини топириш учун таклиф этиладилар.

Аспирантурага кириш имтиҳонларини топиришга тайёргарлик кўриш учун иш жойидаги иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда 30 кунлик отпуска берилади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида машғулотлар 1 сентябрда бошланади. Аспирантларга ётоқхона берилади (оиласи бундан мустаснодир).

ТАШАББУС

Гулистон ремонт-механика заводи экскаваторларнинг муҳим қисмларидан бири — гидравлик насосларни яқин-яқингача уни тайёрлаб берган Одессага «Гидромаш» заводига қайта тиклаш учун жўнатарди. Бу мураккаб ишни ҳал қилиш мақсадида икки слесарь —ота ва ўғил — Абдуҳолиқ билан Рафиқ Садриддиновлар енг шимариб ишга тушишди. Завод маъмурияти уларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Гидроаппаратларни ремонт қиладиган махсус участка ташкил этилди. Эндиликда насосларни ремонт қилиш натижасида 300 минг сўм пул тежалмоқда. Экскаваторларнинг ремонт муддати тўрт кунга камайтирилди.

(ЎзТАГ).

Орол денгизи проблемаси

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги жамоатчилик комитети Орол ҳавзаси ички сув ресурсларидан, шунингдек ён-атроф территориялар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига Орол денгизи ва Орол бўйи экологик муҳитини яхшилашга қаратилган энг яхши таклиф-лойиҳа асоси учун конкурс эълон қилди.

Таклифларда керакли ҳисоб-китоблар, схемалар, чизмалар батафсил баён этилган ҳамда уни амалга ошириш учун зарур техника-иқтисодий асослар хусусидаги барча маълумотлар жамланган бўдиши лозим. Лойиҳа асосини ишлаб чиқишга нуфузли лойиҳа-қидирув ташкилотлари жалб этилади. Таклифлар тахаллус билан қуйидаги адресга юборилиши керак: 700000, Тошкент, ГСП, Пушкин кўчаси, 1-уй. — Оролни қутқариш комитетига, деб ёзилсин. Телефон 33-78-55.

Таклифлар тахаллус бўйича рўйхатдан ўтказилади. Ёпиқ конвертда муаллифнинг исми, фамилияси ва отасининг исми, туғилган йили, маълумоти ва ихтисоси, илмий унвони ва илмий даражаси, иш жойи ва мансаби, уй адреси ва телефони ҳақида қисқача справкалар илова қилинган бўлиши лозим.

Конкурс муддати 1 декабрда тугайди. Сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар союзида таклифлар кўргазмаси ташкил этилади. Тегишли мутахассислардан тузилган жюри кўргазмани якунлаб, энг яхши ишларни аниқлайди.

Ғолиблар учун, 3000, 2000 ва 1000 сўм миқдорида учта мукофот белгиланган. Энг яхши таклиф амалда қўлланишга тавсия этилади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ АТС ИШГА ТУШДИ

Наманганда янги АТС ишга тушди: ҳозирча саккиз минг телефон ўрнатилди. Бу шаҳарда қурилган 4-автомат телефон станциясидир. 10 минг номерга мўлжалланган мазкур станция тез орада тўла қувват билан ишлай бошлайди. Станцияни «Узбексвязстрой» трести мутахассислари қуриб, ускуналарни монтаж қилдилар. Бу ишда уларга киевлик ҳамкасблар ёрдам беришди. Автомат телефон станциясига ўрнатилган техникадан фойдаланиш осон бўлиб, у пухта алоқани таъминлайди. Шаҳарда телефон тармоқларини ривожлантириш жадаллашмоқда: ҳозир Наманганда телефондан фойдаланувчилар сони 28 минг кишига етди. Уларнинг қариб ярмига сўнгги йилларда телефон ўрнатиб берилди. **[ЎзТАГ].**

Дунё воқеалари

СОВЕТ—ШВЕЦИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

СТОКГОЛЬМ, 13 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ерда Совет — Швеция бир қанча қўшма ҳужжатларини: Балтика денгизи кенгликларини чегаралаш принциплари тўғрисидаги, ядро фалокатидан бирбирларини оператив хабардор қилиш ҳақидаги ҳамда ядровий қурилмалар хусусидаги ахборотларни айрибошлаш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларни имзолаш маросими бўлди.

Битимларни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан Швеция бош министри И. Карлссон имзоладилар.

Визит кунларида Швеция корхоналари ҳамда фирмалари билан Совет ташкилотлари ва идораларининг бир қанча экспорт ва импорт хусусидаги шартномалари ҳам имзоланди. Чет эл туризми давлат комитети билан Сиаб ва Ресо фирмалари ўртасида Ленинграддаги «Европейская» меҳмонхонасини реконструкциялаш, янгилаш ва бу меҳмонхонадан биргаликда фойдаланиш қўшма корхонасини яратиш тўғрисидаги битим; Совет табиий газини Швецияга етказиб бериш режалари тўғрисида «Союзгазэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси билан «Оқ Петролеум» ва «А. Юнсон» фирмалари ўртасида имзоланган протоколлар; Швецияга 1988 йилда қарийб 2 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан «Союзнефтеэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси билан «Оқ Петролеум» фирмаси ўртасидаги шартнома шулар жумласидандир. Швециянинг бир қатор бошқа нефть компаниялари билан ҳам худди шундай шартномалар имзоланди; «Судоимпорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси билан Швециянинг «Ситиварвет» кемасозлик корхонаси ўртасидаги шартнома совет пармаловчи кемаси ремонтини кўзда тутади. Бир қатор лицензия битимлари ҳам имзоланди.

Бугун бу ерда совет ҳукуматининг бошлиғи унинг Швецияга визитини ёритаётган журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Швеция пойтахти яқинидаги Тумба шаҳрида жойлашган «Альфа Лаваль» концерни корхоналарини бориб кўрди.

Н. И. Рижков Каллхэль шаҳридаги «Арла» кооперативининг ўз маҳсулоти билан Стокгольм ҳамда Швеция пойтахтига яқин жойлашган бир қанча районлар аҳолисини таъминлаб турадиган сут заводида бўлди.

* * *

Кечқурун Н. И. Рижков ўз ҳамроҳлари билан бирга Стокгольмдан Швециянинг катталиги жиҳатидан пойтахтдан кейин иккинчи ўринда турадиган шаҳри, Европанинг энг йирик портларидан бири — Гетеборгга жўнаб кетди. И. Карлссон мамлакат бўйлаб сафарда ҳамроҳлик қилмоқда.

Н. ВУКОЛОВ,
Т. ЛАРИОХИН,
В. ТАЛАНОВ.

* *

Объективда—жаҳон шаҳарлари

Пекин. Хитой пойтахтидаги Гугун собиқ император саройининг музей комплекси [суратда] XV аср бошларида қурилган. «Қирмизи тақиқланган шаҳар» номини ҳам олган бу саройда ҳозир Хитойнинг машҳур музей жойлашган бўлиб, унда маданиятнинг нодир ёдгорликлари, қадимий санъатнинг бебаҳо намуналари тўпланган.

Синьхуа—ТАСС фотоси.

МУҲИМ ҚАДАМ

Кампучия атрофидаги мушкул вазиятдан қутилиш учун ўтган йили муҳим қадам қўйилди, деб ёзади «Пномпень» газетаси.

Кампучия халқи манфаатларини, регионда тинчлик ва барқарорлик манфаатларини кўзлаган Кампучия Халқ Республикаси миллий яраш йўлига ўтди. Шундай қилиб, Кампучия проблемасини ташқи кучлар аралашувисиз сиёсий ҳал этишда олға силжиш учун қулай истиқбол очилди.

Худди шу йўл туфайли КХР Министрлар Совети Раиси Хун Сеннинг Нородом Сианук билан учрашиш имконияти туғилганлиги айниқса муҳимдир, деб таъкидлайди газета. Бу учрашув Кампучия Халқ Республикасини яккалаб қўйишга интилган кучларнинг кирдикорлари барбод бўлганлигини кўрсатди.

Кампучияда ва халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётган миллий яраш сиёсати Жануби—Шарқий Осиёда ҳақиқий тинчлик учун, яхши қўшничлик ва ҳамкорлик учун қатъий қурашаётган Кампучия Халқ Республикаси, Хинди—Хитойдаги қардош мамлакатлар позициясининг изчиллиги ва принципиаллигини яна бир бор тасдиқлади, деб хулоса қилади газета.

(ТАСС).

Ер юзида ядро қуролининг пайдо бўлганига 40 йилдан ошди. У пайдо бўлибдики, бу мудҳиш қуролни йўқотиш учун кураш кетяпти. Айниқса, сўнгги йилларда бу кураш кенг кўлам касб этди. Ана шу курашнинг байроқдори бўлган Совет Иттифоқининг қўллаб тинчлик таклифлари жаҳоншумул аҳамиятга эга. Бу КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Мазкур Баёнот империалистик доиралар томонидан қуролланиш пойгасининг авж олдирилиши натижасида ўруш чиқиш хавфи кучайган бир пайтда эълон қилинди. Шу боисдан ҳам совет раҳбари ўз Баёнотида ядро қуролини батамом тугатиш программасини олға сурди. Ана шу программага мувофиқ Совет Иттифоқи Ер юзини ядро қуролидан халос этиш жараёнини 15 йил мобайнида тугаллашни таклиф этди. Ўртоқ М. С. Горбачев қайд қилиб ўтганидек, бу таклиф қуйидаги тадбирлардан иборат бўлиб, уч босқичда амалга оширилиши кўзда тутилади.

Биринчи босқич. СССР билан АҚШ 5—8 йил мобайнида бир-бирларининг территориясига ета оладиган ядровий қуролларни икки баравар камайтирадилар. Бунда ҳар икки давлатнинг Европа зонасидаги ўртача олислик ракеталарини батамом тугатиш тўғрисида битимга эришиши назарда тутилади.

Иккинчи босқич. 1990 йилдан бошланиб 5—7 йил давом этиши кўзда тутилаётган бу босқичда ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам ядровий қуролсизланиш ҳаракатига қўшиладилар. Бу даврда ахдлашиб олинганидек, СССР билан АҚШ ядро қуролларини камайтиришни давом эттирадилар. Ҳар икки давлат ўзларининг тегишли қуролларини 50 процент камайтириб бўлганларидан сўнг, ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар учиш масофаси 1000 километргача бўлган ядровий қуролларини тугатадилар.

Учинчи босқич. 1995 йилдан бошланадиган бу босқичда сақланиб қолган барча ядровий қуролларни тугатиш ниҳоясига етказилади. 1999 йилнинг охирига бориб Ер юзида ядро қуроли сира қолмайди. Совет Иттифоқи барча халқлар ва давлатларга, биринчи навбатда ядро қуролига эга бўлган давлатларга мурожаат қилиб, 2000 йилгача ядро қуролини тугатиш программасини қўллаб-қувватлашга даъват этди. Айни чоғда Совет Иттифоқи юқоридаги тадбирларга қўшимча равишда тинчликка эришиш йўлида бир қатор амалий қадамлар қўйётганини маълум қилдики, бу қадамлар моҳият эътибори билан ақл-идрок кучининг тантанасидир.

Баёнот эълон қилинган кундан буён орадан икки йил вақт ўтди. Шу даврнинг ичида дунёда жуда кўп воқеалар содир бўлди. Халқаро ҳаётда жуда кўп муаммолар ҳали ўз ечимини топмаган бўлса ҳам сиёсий иқлим анча юмшаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу нарса СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда яққол кўзга ташланмоқда.

Халқаро ҳаёт

Ядросиз дунё учун

Аввало шуни таъкидлаш керакки, АҚШ Совет таклифларига қўшилмади ва совет мораторийси давом этаётган даврнинг мобайнида 15 марта ядро синовини ўтказди. Бу унинг ядро қуролидан воз кечиш эмас, балки уни такомиллаштириш ниятида эканини кўрсатди. Америка Қўшма Штатлари қуролланиш пойгасини космосга ёйиш ниятидан ҳам воз кечмади. Шунга қарамай, Совет Иттифоқи ядровий тўқнашув хавфини камайтириш йўлидаги ҳаракатини давом эттирди. Ана шундай ҳаракат натижасида Совет — Америка раҳбарларининг навбатдаги учрашувини ўтказишга муваффақ бўлинди.

1986 йилнинг октябрь ойида Рейкьявик шаҳрида СССР ва АҚШ раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги битим имзоланмай қолди. Аммо икки давлат раҳбарларининг учрашуви, олиб борилган музокаралар улар ўртасида мақбул ахдномага эришиш умиди борлигини кўрсатди.

Ана шу умид СССР ва АҚШ раҳбарларини учинчи бор музокаралар столига ўтиришга чорлади. Бундан бир ойгина муқаддам биз ана шу учрашувнинг гувоҳи бўлдик. 1987 йилнинг энг муҳим воқеаси деб баҳоланган ва декабрь ойида Вашингтонда ўтказилган олий даражадаги Совет — Америка музокаралари чинакам тарихий аҳамият касб этди. Вашингтон учрашувида ўртача ва камроқ олислик ракеталарини қисқартириш тўғрисида Совет — Америка Шартномаси имзоланди.

Мазкур Шартнома бундан икки йил муқаддам ўртоқ М. С. Горбачев Баёнотида олға сурилган таклифнинг амалдаги ифодасидир. Шартнома тинчлик ишини муқаддас билган Ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг ёхуд атом асрининг хатарли нафасидан ўзларининг масъулиятини чуқур ҳис этган икки давлат раҳбарларининг иродасигина эмас, балки янгича тафаккурнинг, ақл-идрокнинг тантанаси ҳамдир.

Вашингтонда эришилган ахдномага мувофиқ СССР ва АҚШ ўртача ва камроқ олислик ракеталарининг маълум миқдорини йўқ қиладилар. Бу умумий ядровий қуролларнинг атиги 4 процентини ташкил этади, холос. Бироқ бу жуда муҳим ишнинг бошланишидир. Чунки инсониятни қириб юбориш учун тўпланган ядровий қуролларнинг 5 фойизи кифоя қилади. Шу жиҳатдан Совет —Америка Шартномаси оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Вашингтонда имзоланган Шартнома туфайли дунёмиз анча хавфсизроқ бўлиб қолди, деб бежиз айтишмаяпти, ахир!

Шуни ҳам унутмаслик керакки, М. С. Горбачев Баёнотидаги биринчи босқичда амалга ошириладиган тадбирлар 5—8 йилга мўлжалланган эди. Вашингтон Шартномаси бу йўлдаги дастлабки қадамдир. Биз яшаб турган 1988 йилнинг биринчи ярмида АҚШ президенти Р. Рейганнинг Москвага келиши кутилмоқда. Бўлажак учрашув чоғида имзоланадиган битимга мувофиқ стратегик ракеталарнинг 50 фойизи йўқ қилиниши кўзда тутилмоқда. Демак, асосий ишлар ҳали олдинда. Энг муҳими шундаки, Вашингтонда имзоланган Шартнома қуролланиш пойгасидан қуролсизланиш сари бурилиш мумкинлигини кўрсатди.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ МАНАГУА. Никарагуа халқининг фидокорона кучғайрати туфайли Сандиночилар республикаси ўтган йили Америка агрессиясига қарши курашда мардона турди, самосочи тўдаларни стратегик жиҳатдан тор-мор этишда ўз ҳарбий муваффақиятларини мустаҳкамлади. Никарагуа президенти Даниэль Ортега «Баррикада» газетаси мухбири билан суҳбатда ана шуларни айтди.

1988 йил Никарагуанинг ёлланган аксилинқилобчи тўдаларга ва Америка маъмуриятининг интервенция сиёсатига қарши кураши кучайган йил бўлади. АҚШ маъмурияти эса Марказий Америкадаги можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш ҳаракатидадир, деб таъкидлади Д. Ортега. Марказий Америка халқларининг можарони тинч йўл билан ҳал этиш йўлидаги куч-ғайратларига Вашингтон қарши чиқмоқда ва у Гватемала шартномалари бажарилишини барбод этиш, Никарагуага қарши жинояткорона агрессияни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда, деб уқтирди сўнгра президент.

◆ ИСЛОМОБОД. Покистоннинг АПП ҳукумат ахборот агентлиги хабар беришича, шу йилнинг июнь ойида Покистон ўзининг биринчи сунъий йўлдошини учиради. Хабарда, Бадр-А деб аталувчи ана шу «экспериментал» йўлдошнинг оғирлиги 75 килограмм бўлади ва у 300—400 километр баландликдаги ер атрофи орбитасига чиқарилади, деб таъкидланди.

Агентликнинг хабарига кўра, йўлдошни яратиш устида Покистон инженерлари ва олимлари ишладилар. Йўлдош технологик ва матеорологик эксперименталар ўтказиш учун, шунингдек айрим араб мамлакатларининг ёрдами билан янги космик технология ишлаб чиқиш юзасидан эксперименталар олиб бориш учун фойдаланилади.

◆ ДЕҲЛИ. Деҳли полицияси наркотик модда савдогарларининг катта бир тўдасини фош этди. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида полиция вакили Покистон чегараси районидан пойтахтга наркотик моддаларни олиб келган жиноятчилар Ғарб мамлакатларидаги наркотик моддалар савдогарлари билан яқин алоқада бўлиб, ўз товарларини ана шу мамлакатга сотганликларини айтди. Полициячилар ана шу жиноятчи гуруҳнинг аъзоларидан бири — Динеш Кумар деган кимсани қўлга олдилар, унинг ёнидан 9 килограмм героин чиқди. «Индиан Экспресс» газетасининг ёзишича, 1985 йилдан буён наркотик моддалар савдосига даҳлдорликда айбланиб, 4500 киши қамоққа олинган.

[ТАСС].

• *Беш йиллик меҳнат вахтасида*



Андижондаги «Электроаппарат» заводи меҳнат аҳли шу йилнинг бошидан тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципида муваффақиятли ишламоқда. Смена нормалари муттасил бажарилаётир.

Айниқса, Мавлуда Ҳасанова бошлиқ бригада ишчилари янгича шароитда ҳар қачонгидан ҳам кўп ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Улар ҳозирданоқ вақтдан анча ўзиб ишлаб, меҳнат календарида февраль ойи ҳисобини очдилар. Илғор коллектив Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача беш йиллиннинг иккинчи йили топшириғини адо этиш учун резерв ва имкониятларни ишга солаётир.

Суратларда: йигув цехининг илғор ишчилари Эргашбой Турсунов, Мукаррам Мирзаева ва Моҳидил Турсунова.

Т. Ғафуров фотолари.

• *Илғор тажрибалар эстафетаси давом этади*

ЖАДАЛЛАШТИРИШГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

Ленин номли совхоз-техникуми фақат Ленин йўли районида эмас, балки Сурхондарё областида ҳам биринчи бўлиб коллектив пудратига ўтишга икки йил бўлди. Дастлаб пахтачилик бригадалари, сўнгра хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам янги усулда ишлай бошлади. Ўтган йилнинг март ойидан бошлаб эса, совхознинг техника хизмати билан бригадалар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларида чек системаси жорий этилди.

Бу янгиликлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат харажатларини камайтиришга олиб келди. Жумладан, 1 центнер пахта ишлаб чиқаришга 27,3 ишчи-соат сарфланиши ўрнига амалда 26 ишчи-соат сарфланди. Коллектив пудрати совхозимиз экономикасининг беқиёс ўсишига олиб келди. Ўтган йилнинг ўзида хўжалигимиз 27 миллион 700 минг сўм ялпи даромад қилди. Бундан 13 миллион 600 минг сўмдан кўпроғи соф фойдадир. Шу боис меҳнатчиларнинг иш ҳақи ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи учун 8 миллион 600 минг сўм ажратилди. Бундан ташқари ишчиларнинг ҳар бир сўм иш ҳақига 50 тийиндан устама иш ҳақи (мукофот) бериладиган бўлди.

Бригадамиз аъзоларининг 1986 йил пировард натижалари бўйича ишлаб топилган ҳар бир сўмга устама яна 1 сўм 41 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди. Шундай қилиб бригадамиз ишчиларининг йиллик ўртача иш ҳақи 3240 сўмни ташкил этди. Бу тежамкорликка қаттиқ риоя этаётганимиз самарасидир. Масалан, йил давомида коллектив аъзоларининг қанчалик бар-қарор ва самарали меҳнат қилишига қараб аванс бериб борилади. Бригадамиз эса ҳатто табиат энг ноқулай келган йиллари ҳам планларни бажармоқда. Шу туфайли бизда анча юқори тарифлар билан аванс бериш системаси жорий этилди: ғўза қатор орасида ишловчи ишчиларга ойига 120 сўмдан, 5 нафар сувчига 160 сўмдан, бригадирга 186 сўм, ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўза қатор ораларини культивация қилиш, озиқлантириш, чеканка қилиш ва етиштирилган ҳосилни териб олиш ишларини бажарувчи механизаторга — 248 сўм аванс бериляпти. Мана шунчалик кўп миқдорда аванс ҳақ тўланса-да, 11 ойда иш ҳақи фондидан 1400 сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Ҳар бир бригадада жорий этилган чек дафтарчаси ҳам тежамкорлик ва омилкорликни таъминлашда катта роль ўйнаяпти. Масалан, илгари бригадир транспорт трактори 2—3 соат ишлатилса-да, кўзини чирт юмиб нарядга 2 кун ишлади деб қўл қўйиб берарди. Энди бунга чек қўйилди. Чунки бригадир ўзининг чеклари билан тракторчига ҳақ тўлашга мажбур. Бригадир гаражга трактор заказ қилиш учун коллектив билан баҳамжиҳат неча соатга техника кераклигини обдон ҳисоблаб иш тутади. Сабаб — берилган буюртмадан ортиқ техникани бирор соат ҳам ишлатиш мумкин эмас. Чек системаси туфайли бригадамиз ёнилғи ва мойлаш материалларидан ўтган йилнинг 11 ойида қарийб 4000 сўм, техника ремонти харажатидан 4500 сўм, уруғлик чигитдан — 950 сўм тежаб қолди.

Бироқ коллектив пудрати ҳамма муаммоларни ҳал қилиб беради, деб айтиш нотўғри бўларди. Бу соҳанинг ҳам ўзига яраша проблемалари бор: бизнинг ҳамма уринишларимизга қарамай, хўжалигимизда ҳанузгача маҳсулот таннархи юқорилигича қоляпти. 1986 йилда 1 центнер пахтанинг таннархи пландаги 64 сўм ўрнига 66 сўм 90 тийинни ташкил этди. 1987 йил натижалари ҳам шундан кам бўлмайдиганга ўхшайди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Аввало, ғўза баргини тўкиш учун самолётларда дефолиация қилишга катта маблағ кетяпти. Менимча, ғўза ерда юрадиган механизмлар билан дефолиация қилинса, пахта териш машиналари такомиллаштирилса харажатлар 3 баравар камайиши турган гап. Шунингдек, терим мавсумида жалб этиладиган ёрдамчилардан ҳам қатъиян воз кечмоқ даркор.

Лўнда қилиб айтганда, коллектив пудрати асосида иш тутиш ҳамма учун фойдали, бироқ унинг самарадорлиги эса бу метод асосидаги ишларни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Ана шунда жадаллаштиришга янгича суръат бағишлаган бўламиз.

Хўжамберди ҲАСАНОВ,
Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз-техникуми бригадири.

• *Қайта қуриш чорраҳаларида*

ТАШАББУС ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

ёки Наманган областида машиналарнинг кўп юк ташишига қаршилик кўрсатилаётгани тўғрисида

«Наманганская правда» газетасининг 1986 йил 30 май сонида босилиб чиққан «Ташаббускорлар ва бюрократлар» сарлавҳали мақола хўжалик ҳисобида ишловчи 8-автохўжаликнинг бир группа ҳайдовчилари ўз автомобиллари юк ташиш қувватини ошириш мақсадида уни бирмунча такомиллаштиришга ҳаракат қилганларига бағишланганди. Улар прицеплардан фойдаланиш, бунинг учун эса автомобиль двигателини кучлироқ моторга алмаштиришни таклиф қилдилар.

Худди шу алмаштириш Наманган область ГАИси ходимларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Автоинспекция томонидан биринчи бор чиқарилган қарорга автомобиль ишлаб чиқарувчи заводнинг тегишли қўлланмаси ёки рухсатномаси бўлмаганлиги асос қилиб олинган эди.

Ўтган йилнинг 24 мартида автохўжалик ўз сўровларига Минск шаҳридан — МАЗ автомобиллари бош конструкторидан қуйидаги жавобни олди:

«МАЗ — 5549, МАЗ — 503 автомобилларига ЯМЗ — 238 маркали двигателни ўрнатиш мумкинлиги тўғрисидаги сўровингизга жавоб берамиз: кўрсатилган двигателга пневмопровод компрессорли тормоз ўрнатиш ва двигателларни бундай алмаштириш, бизнинг фикримизча, мумкин. Рамانинг чидамлилиги, тормоз системаси, электр жиҳозлари ва ўзгартирилиши керак бўлган бошқа қисмларининг ишончли ишлаш сизнинг ташкилотингиз томонидан тасдиқланиб ГАИ билан келишилган бўлиши керак».

Лекин шунга қарамасдан ташаббускор ҳайдовчилар қайта жиҳозланган автомобиллардан фойдаланишга область ГАИсидан ҳозиргача тегишли рухсатнома олишгани йўқ.

Автохўжалик шароитида ҳеч қандай ёрдам, қисмлар алмаштирилишига аниқ бир тақиқ бўлмагач ёки бу алмаштиришлар атрофдагилар ва ҳайдовчиларнинг ўзлари учун қай даражада хавфли эканлигини аниқловчи комиссия тузилишига эришолмаган автохўжалик ҳайдовчилари хат орқали СССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасига ва «Известия» газетасининг редакциясига мурожаат қилдилар. Чунки корхонада автомобиллар қайта жиҳозланиши тўғрисида кўп гапирилди-ю, амалда эса ҳеч ёрдам беришни хоҳлашмади.

Бу орада область ГАИси за ушбу автохўжаликда қизиқ бир ҳужжат пайдо бўлгани, унда область ГАИси бундай ҳолларда нималар билан шуғулланиши аниқ тушунтирилганди. Бу автокорхона ҳайдовчиларининг сўровига СССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси бош бошқармасининг жавоби эди. Сўзма-сўз келтирамиз:

«Наманган область ижроия комитетининг ГАИ бўлими бошлиғи ўртоқ Шамситдинов Н. П. га.

Нусхаси:

8-автокорхонанинг бош инженери ўртоқ Шагиаҳмедов А. Г. га.

МАЗ—500а, МАЗ—5549 автомобилларини автохўжалик шароитида ЯМЗ—238 двигателлари билан қайта жиҳозлаш тўғрисидаги хўжалик ҳисобида ишловчи 8-автохўжаликдан келган хатни юбора туриб, уни кўриб чиқиш ва Минск автозаводи қўлланмаларига асосан ҳал қилишингизни сиздан сўрайман. МАЗ автозаводи бу масалада қониқарли хулосага келган тақдирда, 8-автохўжалик МАЗларни ремонт қилувчи ихтисослашган ҳар қандай заводдан шу автомобиллар қайта жиҳозланганлигининг сифати ҳақида тегишли хулоса олиши керак.

Қандай хулосага келганлигингиз тўғрисида 8-автохўжаликни хабардор қилишингизни сўрайман.

Бўлим бошлиғи В. А. Журавлев».

Афсуски, бундай қилинганича йўқ.

Анча вақтдан сўнг автомобилларни қайта жиҳозлаш тўғрисидаги масала бирмунча жонланди. Ниҳоят деярли бир йил ўтгач, 1987 йилнинг 27 апрелида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг республика ишлаб чиқариш автотрестида автохўжаликдаги автомобилларни қайта жиҳозлашга оид муаммо билан махсус шуғуллана бошлашди (Москвага нимадир деб жавоб бериш керак эди-да).

Тармоқлараро комиссиянинг қўшма мажлисига (1987 йил 27 апрель) республика ишлаб чиқариш автотрести, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг масъул ходимлари ва Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг олимлари тўпланишди. Улар шу қўшма мажлис қарорини илмий жиҳатдан изоҳлаб бериш учун таклиф қилингандилар.

Мажлис қатнашчилари фикр алмашиб бўлгач, юк кўтариш ва тортиш қувватини ошириш мақсадида двигателларни алмаштириш — автомобилларнинг айрим агрегатлари ва қисмлари тезроқ ишдан чиқишига ва йўлларда ҳаракат хавфини кучайтиришга сабабчи бўлиши мумкин, деган қарорга келишди. Шунга асосан комиссия МАЗ заводининг рухсатномаси борлиги сабабли 1987 йилнинг 1 июнидан то 1988 йилнинг 30 майигача қайта жиҳозланган автомобилларни иш жараёнида синовдан ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Кўрилган чора шугина, холос. Амалда эса ҳайдовчи Ю. Иномов бир неча йилдан буён ўзининг қайта жиҳозланган МАЗида муваффақият билан юк ташимоқда. Шуни айтиш керакки, шунча вақт мобайнида унинг кучли двигателга алмаштирилган автомобилида бирор бир қисм ёки агрегат ишдан чиққани йўқ.

Шуниси ажабланарлики, ҳанузгача на автохўжаликда, на бошқа бирор ташкилотда қайта жиҳозланган мазкур машиналарни синовдан ўтказиш ҳақида бирор оғиз сўз айтилди. Синов у ёқда турсин, ҳатто бу машинани қуриб, унга қандай ўзгартиришлар киритилгани тўғрисида ҳам ҳеч қандай ҳаракат қилинмади. Қарорга учралмасин, фақат қаршиликка дуч келинди, холос. Тармоқлараро комиссия эса автомобиллардаги қайта жиҳозлашни кўрмасдан Тошкентда туриб ўз хулосасини чиқариб қўя қолди.

1987 йил 18 майда Тошкентдан республика автотрести бош инженерининг ўринбосари Ш. Инагамов ва Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг катта илмий ходими Б. Мирзаев автохўжаликка келишди. Келишдан мақсадлари автохўжалик раҳбарлари ва ҳайдовчиларини юқорида айтиб ўтилган мажлиснинг хулосаси билан таништириш экан.

Агар ҳайдовчи Ю. Иномов ўз машинасини кўриб чиқишни талаб қилиб туриб олмаганда, улар қайта жиҳозланган машинани на кўз билан кўриб, на қўл билан ушламай қайтиб кетган бўлишарди.

Вакиллар қайта жиҳозлашда ҳеч қандай нуқсон топишмади ва ҳеч қандай хавфхатар туғдирмаслигига амин бўлишди. Натижада қайта жиҳозланган автомобиль текширилганлиги тўғрисидаги ажойиб акт вужудга келди.

Тошкентлик вакиллар автохўжаликнинг бош инженери, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, профком раиси, партия ташкилотининг секретари, ҳаракат хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги инженерлари, автоколонна бошлиғи иштирокида ЯМЗ—236 двигателини ЯМЗ—238 га алмаштириш содда, автохўжаликлар шароитида қилиниши мумкин, деб бир овоздан тан олишди. Расман тасдиқлашди. Двигателни алмаштиришда моторни қотириш учун олдинги кронштейн ўрнини алмаштириш, автомобиль кабинасидаги тоннел қурилмасини, радиатор ва узатма қутиси ричаги ўрнини алмаштиришдан бошқа автомобиль рамасининг конструкциясига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмайди (область ГАИсида худди шунинг учун хавотирда эдилар). Рама конструкциясини камқувват қилувчи ҳеч қандай тешикчалар қилинмаган (тармоқлараро комиссия аъзоларининг ўзлари ҳам бундан жуда ташвишланишарди). Хуллас, комиссия бажарилган ишларнинг сифатини кўриб чиқиб, уларни қониқарли ҳамда автозавод талабларига жавоб беради, деб топди.

Бу ўтган йил май ойида бўлган эди. Бундай хулоса аниқроқ бир қарор чиқарилишига камлик қилишини сезган ва ўзининг ҳақлигига ишонган ҳайдовчи Ю. Иномов расмий равишда (тўғри, у область ГАИси кўрсатмасини кутмади) Олмалиқ автомобиль ремонти заводига борди. Ҳайдовчи Ю. Иномовнинг МАЗ—5549 маркали қайта жиҳозланган автомобилининг текширув акти автомобиль ремонти заводи вакиллари — техника назорати бўлими бошлиғи К. Б. Кульманбетов, техника бўлими бошлиғи Ю. Ф. Богимов, механика-йигув участкасининг катта мастери Д. М. Иванченко томонидан 5 августда имзоланган ва унда шундай дейилган:

«Комиссия, ЯМЗ—236 ўрнига ЯМЗ—238 двигателини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган қайта жиҳозлаш ишларнинг сифати қониқарли ва автомобиль ишлаб чиқарувчи заводнинг қўлланмалари бўйича бажарилган, деб ҳисоблайди».

Бундай қаралганда ҳаммаси равшан. Автохўжалик ҳайдовчиларига қайта жиҳозланган автомобилларда ишлаш учун техник талонлар берилса бўлаверади. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Энди Наманган область ГАИси қайта жиҳозлашга тегишли ҳамма саволларни Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ГАИ бошқармасига юборяпти. Чунки улар текширув остидаги синовларни ўтказиш ташаббускорларидан бирида!

Шуниси номаълумки, бу синовлар кимга керак? Ваҳолонки, ҳайдовчи Ю. Иномовнинг «МАЗ»и завод конвейеридан тушганига 10 йилдан ошган бўлса-да, унга берилган, синовдан ўтказилаётган деталлар ва қисмлар қай аҳволда экани қайд қилинадиган журнал ҳозиргача топ-тоза, ҳеч қандай нуқсон қайд этилмаган.

Областда автохўжалик ҳайдовчиларининг бу аянчли муаммосига қарши бахтли воқеалар ҳам бор. Масалан, «1-Агропромстрой» трестига қарашли 140-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ҳайдовчиси Неъматжон Юсупов ўзининг «МАЗ—5549» автомашинасига 1985 йилнинг ўзида худди Ю. Иномовникидек двигатель ўрнатган ва ўшандан бери Наманган район ГАИсида техника кўригидан муваффақиятли ўтиб келмоқда. Афтидан, район автоинспекторлари область автоинспекторларига қараганда қайта жиҳозлашнинг иқтисодий фойдасини аниқроқ кўришган ва Н. Юсуповнинг хатти-ҳаракатида автомобиль конструкцияси бузилган, деб ҳисоблашмайди.

Бошқа мисоллар ҳам бор. Меҳнат Шуҳрати орденларининг тўла нишондори, КПСС XXVII съезди делегати, 22-автокорхона ҳайдовчиси К. Абдураҳимов неча йилдирки, «ЗИЛ» автомашинасида «Урал—375»нинг кучли двигателидан фойдаланиб келади.

Агар область ГАИси, қисман область автомобиль паркининг техника ҳолатига жавобгар милиция капитани Р. Маҳмудов фикри билан қаралса, унда Н. Юсупов ва К. Абдураҳимовга ҳам инструкция бўйича бундай ўзгартиришлар қилиш мумкин эмас. Шунга қарамасдан, улар ҳозирга қадар ГАИнинг расмий рухсати билан бемалол ишлаб юришибди. Ю. Иномовда эса бундай рухсатнома йўқ.

Яна бир мисол. Тўрақўрғон районидаги 90-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Исмоил Мамадалиев яқингача ўзининг «МАЗ»ида қувватлироқ двигателдан фойдаланиб, илғорлар safida юрарди, ҳозир эса илгарйги юкнинг ярмини зўрга ташияпти. Бу, унинг қуввати кўпроқ двигатель ўрнатилган бу машинани Олмалиқ авторемонт заводидан олган бўлишига қарамасдан Наманган область ГАИсининг двигателларни алмаштиришга қарши таъқиғи натижасида рўй берди. Тўғри, ГАИ ходимларининг бир нечаси ўзгарди. Аммо бу ерда қарор топган иш услуби ҳануз ўша эски қолипда давом этмоқда.

Автомобилларни қайта жиҳозлаш тўғрисидаги чўзилиб кетган бу муаммога нуқта қўйиш вақти келмадимикин? Хўш, бу нуқтани ким қўяди? Бизнингча, бу муаммо аслида ечилган. Фақат ўз фаолиятини қайта қуролмаётганларгина автомобилларни қайта жиҳозлаётганларга халақит бермоқдалар, холос.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

В. ВАКОРИН,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

КОЛХОЗНИНГ САНОАТ ЦЕХЛАРИ

Бухородаги, областнинг шаҳар ва посёлкаларидаги магазинларда Бухоро районининг «Маданият» колхозида ишлаб чиқарилган аёлларнинг пляжда киядиган синтетик пойабзали сотила бошлади.

Хўжаликда ёрдамчи ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда Бухоро зардўзлик буюмлари фабрикасининг филиали, тикувчилик цехи, темирчилик, дурадгорлик ҳамда пластмасса буюмлари ишлаб чиқариладиган бошқа цехлар ишламоқда. Консерва заводи қурилиши тугай деб қолди.

Беш йиллик бошида колхоз корхоналари 300 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили 1 миллион 200 минг сўмликдан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу эса колхозга қарийб 400 минг сўмлик даромад берди.

Хўжаликда бозорнинг аҳволини, харидорларнинг талабини диққат билан кузатадилар. Колхоз маҳсулотлари туриб қолса, дарҳол товарлар турини ўзгартирадилар. Масалан, яқинда областда камёб бўлиб қолган майда мих ишлаб чиқаришга киришилган эди.

Хом ашё етарли. Бухоро тўқимачилик ва уйсозлик комбинатининг, бошқа йирик корхоналарнинг чиқитлари колхоз цехларининг хом ашёсидир.

Ёрдамчи ҳунармандчилик корхоналари колхозга мўмайгина даромад келтириш билан бирга, энг муҳим социал проблемани ҳал этиш-қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга кўмаклашади.

(ЎзТАГ).

ЯХОБ БЕРИШ ҚИЗҒИН

Балиқчи райони деҳқонлари бу йил давлатга 58 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишган. Шу мақсадда хўжаликларда агротехниканинг қишки тадбирлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, яхоб бериш ишлари қизитиб юборилган. Райондаги «Победа», «Пахтакор», «Социализм», «Коммунист» колхозлари ва М. Горький номли совхозда бу иш айниқса намунали давом эттирилаётир.

С. ЙИГИТАЛИЕВ.

ПЕШҚАДАМЛАР

Хўжаобод районидаги А. Набиев номли колхознинг чорвадорлари йилни кўтаринки руҳда бошладилар. Улар қишлов даврида ҳам сут соғиб олишни камайтирмаслик учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Чорвадорлар сигирларни қатъий рацион асосида парвариш қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Айниқса Шакархон Сариқова, Баҳринисо Исроилова ва бошқа сигир соғувчилар кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

М. ЧУМИРЗАЕВ.

* * *

Шунингдек, қашқадарёлик **Э. Султонов**, бухоролик **Ж. Йўлдошев**, нукуслик **Р. Мадиёров**, фарғоналик **М. Давронов**, арнасойлик **Э. Уроқов**, тошкентлик **Х. Тожиматов** ва бошқалар ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг айни кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида ёзиб юборишган.

ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚСА БЎЛАДИ

Таҳлил ва сабоқ

Шуманай районидаги Аяпберген Мусаев номли совхоз областдаги қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Совхознинг ташкил этилганига 20 йил бўлишига қарамасдан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш планлари кўп йиллар давомида бажарилмай келарди.

Биз совхоз мутахассислари, бўлим бошлиқлари билан суҳбатлашганимизда совхозда пахта тайёрлаш планларининг ўн иккинчи беш йилликкa қадар қачон бажарилганлигини эслай олмадилар. Қаерда йиғилиш бўлса, совхоз қолоқлар қаторида тилга олинарди. Совхоз директорини кетма-кет алмаштириш ҳам самара бермади. Ишчилар, бўлим, бригада бошлиқлари танқидга ўрганиб қолишди. Ишда ўзгариш сезилмади.

Район партия комитети, район агросаноат бирлашмасининг янги раҳбарлари ишни янгича олиб боришди. Улар совхознинг қолоқлигини танқид қилмай, балки унинг сабабларини чуқур ўргандилар. Камчиликларни аниқлашда бўлим ва бригада бошлиқлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, бободеҳқонлар билан маслаҳатлашдилар. Таклиф, тавсияларни тинглаб, уларни амалга оширишнинг аниқ режасини ишлаб чиқдилар...

Райондаги «Комсомол» совхозида бош агроном бўлиб ишлаётган Собир Хўжаметов бундан икки йил олдин А. Мусаев номли совхозга директор этиб тайинланди.

У совхозга келган кунидан ишни ишчилар ва механизаторлар, чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашдан бошлади. Иш билмайдиган, билимсиз, тажрибасиз, план ва топшириқларни бажармай келаётган бўлим ва бригада бошлиқлари янги кадрлар билан алмаштирилди. Янги раҳбар, аввало одамларга таянди. Уларнинг фикрларини эринмай эшитди, ўрганди. Ҳар бир ишни бамаслаҳат, коллегиал ҳал этишни жорий этди. Натижада одамлар қимматли фикрларни ўртага ташлайдиган, активлик, ташаббускорлик кўрсатадиган бўлиб қолишди. Мустақиллик, ўзаро ишонч, қатъий интизом муҳити қарор топди. Илгари жамоат ишида қатнашмайдиган кўплаб кишилар далага чиқишди. Улар хўжакўрсинга эмас, пешона тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилдилар.

Кейинги икки йилдан бери совхоз пахта тайёрлаш план ва топшириқларини ошириб бажармоқда. Юбилей йилида 2060 гектар майдондан 18,93 центнердан ҳосил олинди, ялпи хирмонни 3900 тоннадан оширишга муваффақ бўлинди. Айниқса, Н. Смоилов, З. Абдуллаев бошлиқ бўлимларда, К. Шаненов, О. Медетов, И. Шайхов, Б. Жумагалиев, Ў. Утеновлар бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш планлари 116-120 процент қилиб уддаланди. Турар жойлар, маданий-маиший объектлар қуриш, ободонлаштириш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Резервлар, имкониятлар ишга солинди.

— Совхозимизда гектар бошига 18,5—19 центнердан ҳосил олиняпти, —деди совхоз директори.— Бу кўрсаткич бизни қаноатлантирмайди. Гектаридан камида 25-27 центнердан ҳосил кўтариш имкониятларига эгамиз. Деҳқончилик қиладиган 2709 гектар майдоннинг 306 гектари ўта шўрланган, 1322 гектари ўртача шўрланган, 1088 гектари кучсиз шўрланган. Бу майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан туриб, ҳосилдорликни ошириш, тола сифатини яхшилаш мумкин эмас. Лекин РАПО раҳбарлари ҳам, Автоном республика агросаноат комитети раҳбарлари ҳам муҳим ишга ҳамон панжа орасидан қараб келишаётир. Боз устига чорвачилик ҳамон қолоқ тармоқ бўлиб қоляпти. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш планлари бажарилмаяпти. 3 та эски молқўрамиз бор. Уларни янгидан қуришимиз керак. Пулимиз етарли. Ўз кучимиз билан қуриб олайлик, десак совхозимизда ишчи кучи етишмайди. Агросаноат комитети эса уни механизациялашган кўчма колонна планига киритмаяпти. Озуқа цехи лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлишига қарамасдан қурувчиларнинг айби билан қурилиш ишлари ҳамон судралиб келмоқда.

Директорнинг сўзида жон бор. Совхозда гектар бошига 50 погон метр ўрнига 19,8 погон метр коллектор-дренаж тармоғи тўғри келяпти. Бу коллектор-дренажларнинг кўпчилиги ишдан чиққан. Уни кенгайтириш, тозалаш ишлари эътибордан четда қолган.

Бош коллекторнинг қурилиши бошланди-ю, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шу коллектор қурилиши ниҳоясига етказилмаганлигидан А. Мусаев номли совхозданигина эмас, Хўжайли, Шуманай, Ленинобод районлари хўжаликларида ҳам деҳқончилик маданиятининг юксалиши қийин бўляпти.

Юқорида айтилганидек, совхознинг тузилганига 20 йил бўляпти. Ана шу йиллар мобайнида совхозда бирон кўзга кўринадиган йирик объект қурилиб, ишга туширилмади. Халигача типовой марказий устахона йўқ. Қишлоқ хўжалиги техникалари ёзин-қишин очиқ ҳавода қор, ёмғир тагида қолиб кетяпти.

Совхоз ишчиларига хизмат кўрсатишда ҳам камчиликлар талайгина. Совхозда клуб, ҳаммом, мактаб йўқ. Ички йўллар, бригадаларда дала шийпонлари қуриш ишлари ўлда-жўлда. Турар жойлар қурилиши талаб даражасида эмас. 624 ўринли ўрта мактаб лойиҳа-сметасининг тайёрланганига беш йил бўлди. Лекин ҳанузгача ишга киришилмаган.

Кўриниб турибдики, совхозда жадал ривожланишни таъминлашга тўсиқ бўлаётган кўпгина муаммолар тўпланиб қолган. Мана шу муаммоларни ҳал этишда Қорақалпоғистон АССР Давлат агросаноат комитети ва Автоном республика Министрлар Совети совхозга амалий ёрдам кўрсатиши керак. Бу қайта қуриш даври талабидир.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган янги китоблар:

А. Ҳикматов, Ў. Тошметов, К. Карашева. Математик анализдан машқлар ва масалалар тўплами. 316 бет. Баҳоси 80 тийин.

Тўплам педагогика институтлари физика-математика факультетларининг «Математика», «Математика-физика» ихтисосликлари математик анализ курси программасига мослаб тузилган. Унда 1700 га яқин машқлар ва масалалар берилган, уларнинг жами ечиб кўрсатилган, қолганлари эса жавоб ёки кўрсатмалар билан таъминланган.

Р. Хорунов, А. Акбаров. Чизма геометриядан масалалар ва уларнинг ечиш методикаси. 136 бет. Баҳоси 26 тийин.

Бу китоб уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бобларида мустақил ечиш учун масалалар берилган, охирги бобларида эса шу масалаларни ечиш методикаси кўрсатилган, баъзи бир масалалар эса ечиб кўрсатилган.

Т. Сандмуродов, М. Ваҳобов. Молекуляр физикадан практикум. 180 бет. Баҳоси 25 тийин.

Қўлланмада педагогика институтлари умумий физика курсининг молекуляр физика бўлимига доир 26 та лаборатория машқлари берилган бўлиб, улар еттита лаборатория иши системасига жамланган.

Р. Рустамҳўжаев. Механизм ва машиналар назариясидан масала ҳамда мисоллар тўплами. 248 бет. Баҳоси 70 тийин.

Тўпламнинг ҳар қайси бўлимида қисқача назарий маълумот, типавий масалаларни ечиш намуналари келтирилган, улар қўлланмадан ички ва сиртқи факультетлар студентларининг фойдаланишида қулайлик яратади.

Б. Жабборов. Студентларнинг чет тилдан мустақил ишлари. 72 бет. Баҳоси 10 тийин.

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бу китобда кўпгина қўлланмалар тавсия этилган.

Л. Бобохонова, Л. Турсунова, Б. Туропова. Инглиз тилидан аналитик ўқиш учун қўлланма. 120 бет. Баҳоси 25 тийин.

Қўлланмадаги инглиз ва америка адабиётидан танлаб олинган ҳар бир текст лингвистик шарҳ, лаборатория ҳамда аудиторияда бажарилиши лозим бўлган машқлар билан таъминланган. Унинг ўзига хос хусусияти уч тил — инглиз, ўзбек, рус тилларида берилишидир.

● *Обидалар—асрлар ва насллар мулки*

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ ҚАНИ?

Факт устидаги ўйлар

Етти иқлимга донғи кетган Бухоро шаҳрининг узоқ ўтмишдан ҳозирга қадар босиб ўтган йўли минглаб ҳикоят, афсоналарга мавзу бўлган. Кўҳна шаҳардаги юзлаб сарою мақбара, тим ва тоқилардан бизгача сақланиб қолгани асрлар мулкининг бир бўлаги, холос.

Хўш, тарихий обидаларимизнинг бугунги аҳволи, уларни асраш, таъмирлаш ишлари қай аҳволда? Очиғи, кейинги йилларда анча иншоотлар дарз кетди. Айни пайтда Халифа Худойдод ансамбли, Имом Ғазоли Вали ва Рўғангарон масжидлари, Хўжа Порсо ва Чўқурак мадрасалари, Дилкушо саройи авария ҳолатида турибди. XV, XVIII асрларда тикланган бу обидаларни таъмирлаш планига киритиш, тезроқ иш бошлашга эътибор берилмаётганлиги афсусланарлидир.

Самарқанд кўчасидаги Тошсаройнинг аҳволи айниқса ташвишли. Иншоот олди ахлат-чиқиндилар ташланадиган жойга айланган. Ҳатто бепарво кимсаларнинг ахлатни ёқиши оқибатида деворлар қоп-қора тутун қукунига беланиб ётибди. Шу ҳам инсофданми?!

Партия ва ҳукуматимизнинг тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги кўрсатмаларига амал қилинмаяпти. Областнинг аксарият корхона ва ташкилотлари раҳбарлари эса бу кўрсатмаларни қўпол равишда бузмоқдалар. Октябрь кўчасида Ҳавзи нав ансамбли бор. Унинг составига XVII асрда қурилган Жума масжиди ва Волидан Абдулазизхон мадрасаси киритилган. Ҳар иккала бино ҳам ҳозир ночор аҳволда. Область мадрасасини эса «Облфотопрокатразнобит» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳаллий саноат бошқармаси Жума масжидининг атрофини турли девор, дарвозалар билан ўраб олиб, ўзининг пахта титиш корхонасига айлантирган. Масжиднинг қуйи қисми нураб бораётганлиги билан корхона раҳбарларининг иши йўқ.

Волидан Абдулазизхон мадрасасини эса «Облфотопрокатразнобит» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан уни текислаб, тупроқ келтириб, боққа айлантирдим... Лекин мана бу афтодаҳол биноларга қараб ачинаман.

Ҳақиқатан ҳам таъмирланиши мумкин бўлган обидаларни маданий-маърифий масканга, ҳамшаҳарларимиз, сайёҳлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантириш масаласини тегишли ташкилотлар раҳбарлари чуқур ва ҳар томонлама ўйлаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир мисол. Машҳур Лабиҳовуз ансамблига яқин, ҳамиша гавжум Тоқи Саррофон билан деярли ёнма-ён Карвон Саройи Рашид жойлашган. Илгари бу саройни шаҳар умумий овқатланиш трести эгаллаб олган эди. Трест бу ердан кўчди-ю, ўзидан кейин қора из қолдирди. Ҳамма ёғи қоғоз, ахлат-чиқиндиларга тўла саройни шиша идишлар сақланадиган омборга айлантирди.

Бухоро шаҳрида булар каби омбор ёки бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилаётган масжид мадрасалар, саройлар анча. Наҳотки, умумий овқатланиш трести, шаҳар озиқ-овқат ва саноат моллари область маҳаллий саноат бошқармаси каби иқтисодий жиҳатдан бақувват ташкилотлар бу тарихий обиларни ободонлаштиришни ўйламасалар? Уларнинг бепарволиги оқибатида бу кўхна иншоотлар вайронага айланиб боряпти, ахир.

— Обидаларни авайлаб сақлашга панжа орасидан қараётганлардан бири Облводоканалдир, — дейди ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари. — Область жамияти совети раисининг ўринбосари Р. Қулиев. — Бухоро шаҳридаги ер ости водопровод қувурларининг техник ҳолати талабга жавоб бермайди. Уларнинг тез-тез ёрилиши, ҳали у ер, ҳали бу ерни сув босиши оқибатида фақатгина кейинги йилларда Тими Абдуллахон, Нодир Девонбеги мадрасаси, Кокули Хурд масжиди, Тоқи Заргарон ва бошқа архитектура ёдгорликлари шикастланди. Шикастланиш, бузилишга нисбатан таъмирлаш суръатлари бениҳоя суст.

Бухородаги илмий-таъмирлаш устахонаси фаолияти ҳозирги кенг кўламли ишларни бажармаяпти. Белгиланган планлар уддаланмаяпти. Устига устак, амалга оширилаётган ишлар сифатсиз. Буни неча асрлардан буён салобат тўкиб турган Арк-нинг жанубий девори тикланаётганда содир бўлган ўпирилиш исботлаб берди. Қизиғи шундаки, неча асрли обидалар даврларнинг ҳар хил кучли туғёну зарбларига дош бериб, мағрур бўй чўзиб турса-ю, эндигина тикланаётган девор ўпирилиб тушса?

Худди шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, айрим бинолар 10-15 йил давомида таъмирланяпти. Бир томони тикланаётган бўлса, бошқа томони вайронага айланмоқда. Бу лойиҳа-смета ҳужжатларининг нотўғри тузилганидан, сифатсиз қурилиш материаллари ишлатилаётганидан, таъмирлаш корхонаси замонавий асбоб-ускуналар ва механизация билан яхши қуроллантирилмаганидан далолатдир. Ҳалигача таъмирлаш учун қурилиш материаллари тайёрлаш тўғри йўлга қўйилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шунинг оқибатида объектларда кўп вақтлар ҳатто ғишт ва ганч бўлмай қолади.

Область корхона ва ташкилотлари «Агропроммехживферм»нинг область ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро районидаги «Правда» колхози коллективларининг ёдгорликларни асраш ва таъмирлашга ҳисса қўшишдек олижаноб ташаббусларига қўшилиб, шанбаликлар ўтказсалар, ундан тушган маблағ обидаларга сарфланса бўлмайдими? Тарих обидаларига дахлдор барча камчилик-нуқсонларни ҳал этиш Бухоро шаҳар партия комитети, айниқса халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети ҳукмига ҳавола.

Архитектура ёдгорликларининг ҳар бири асрлар давомида аждодларимиз фикру тафаккури, меъморчилик санъати билан яратилган нодир дурдонадир. Улар маълум тарихий даврда шаҳар ҳаётининг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини ўзида мужассамлаштирганлиги билан қадрлидир. Бу ноёб меросни авайлаб-асраш, таъмирлаб келгуси авлодларга етказиш зиммамиздаги инсоний бурч, қарзимиздир.

Б. РАЖАБОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Республикамиз пойтахтида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Ўсмирлар ўйинлари программасига мувофиқ ўтказилган баҳсда 11 команда, жами 180 киши қатнашди. Мусобақа якунида шу йил июль ойида Қозон шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ ўсмирлар ўйинларида иштирок этувчи терма команда аъзолари сараланди.

Суратда: қиличбозлар баҳсида. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотоси (ЎзТАГ).**

ОЛИМПИАДА ЙИЛИДА

СССР миллий олимпиада комитети совет спортчиларининг шу йил сентябрь ойида бошланадиган XXIV Олимпиада ўйинларида иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда шунингдек, Корея Халқ Демократик республикасининг Олимпиада мусобақаларини Кореянинг шимолий ва жанубий территориясида барпо этилган спорт базаларида ўтказиш ҳақидаги таклифи ҳам маъқулланди. Бўлажак спорт анжуманига Ватанимизнинг 500—520 га яқин энг кучли йигит-қизлари қатнашиши кўзда тутилмоқда. Олимпиада ўйинларида республикамиздан ўнлаб спортчилар қатнашади.

САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ

Италияда 1990 йили бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг учинчи саралаш группаси қатнашчилари — 5 командининг ўзаро учрашув кунлари аниқланди. Жумладан, совет футболчиларининг финалга йўлланма олиш учун курашлари қуйидаги тартибда ўтиши маълум бўлди. Шу йилнинг 31 августида Исландия — СССР, 19 октябрда СССР—Австрия, келаси йилнинг 26 апрелида СССР — ГДР, 10 майда Туркия — СССР, 31 майда СССР — Исландия, 6 сентябрда Австрия—СССР, 7 ёки 8 октябрда ГДР — СССР, 8 ноябрда СССР — Туркия командалари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтади.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Москвада В. Гранаткин хотира-соврини учун ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда совет футболчилари ягона пешқадам бўлиб олишди. Улар кетма-кет ғалаба (8 очко) билан турнир ғолиби бўлишди. Тўртинчи учрашув — СССР-1 — АҚШ-2:1.

ЎЙИНЛАР КАЛЕНДАРИ

Олий лига командалари ўртасида ўтказиладиган мамлакат чемпионатининг дастлабки давра ўйинлари календари эълон қилинди. Мавсумнинг дастлабки расмий учрашуви 1 март куни Москва спартакчилари билан Киев динамочилари ўртасида бўлади. Бу учрашув мавсум кубоги учун ўтказилади. Чемпионат ўйинлари 7 мартда «Динамо» (Тб) — «Жальгирис», «Арарат» — «Динамо» (Мн) коллективлари учрашуви билан бошланади. 11 июльда ўтказиладиган 15-тур учрашувлари билан даврага якун ясалади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БОЛАЛАРНИНГ ШЎХЛИГИ ЁНҒИНГА ОЛИБ КЕЛАДИ!

Дарҳақиқат, республикамизда содир бўлган, давлатимиз ва гражданларга катта зарар етказган кўпгина ёнғинларнинг сабаби—болаларнинг шўхликлари туфайлидир. Бундай ҳол, айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган ва Самарқанд областларида кўп учрайди.

Фожиа билан тугаган ана шундай бир неча ҳодисани мисол келтириб ўтамиз. Урганч шаҳар Осипенко кўчасидаги Аҳмедова хонадонидаги дағал хашак сақланаётган саройда ёнғин чиқди. Ўт чиқиши оқибатида тўрт ёшли Манзура ҳалок бўлди. Ана шундай сабаб туфайли Тошкентдаги Акромов кўчасида жойлашган уйда ҳам тўрт ёшли қизча нобуд бўлди.

Бухоро область Олот районидаги Болтаева уйида болаларнинг гугурт билан шўхлик қилишлари оқибатида поёндоз ўт олди, хона тутаб икки ёшли ўғил бола димиқиб ҳалок бўлди.

Шу ўринда беихтиёр ҳақли савол туғилади: болалар қўлида гугурт чақнаганда катталар нега уларнинг ёнида бўлишмайди? Гугурт кичкинтойларнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолади, нима учун болалар гугуртни осон топиб олишади? Бунга сабаб аниқ, ота-оналарнинг, оила катта аъзоларининг ўта беғамлигидир.

Мактаб муассасаларида болаларни ёнғин хавфсизлигига ўқитишга кам эътибор бериб келинади, кўргазмали агитация қуроллари, болаларнинг ўт билан ўйнаши хавф-хатари ҳақида эслатиб турувчи пропаганданинг тасвирий воситалари етишмайди. Агар болаларда ана шундай кўникмаларни кичик ёшидан тарбиялаб борсак кўпгина ёнғинлар ва фожиаларнинг олдини олиш мумкин.

Бахтсиз ҳодиса содир бўлмасин десангиз, болаларни ҳеч қачон қаровсиз қолдирманг, кичик ёшдаги болаларнинг ўз ҳолича телевизорлар, электр ва иситиш асбоблари, газ плиталарини ёқишларига, гугурт ва зажигалкалар ўйнашларига асло йўл қўйманг.

Кичик ёшдаги болаларга ёқилган печлар ва электр иситиш асбобларига қараб туришни

БУЮРМАНГ

ОТА-ОНАЛАР!

Қичик ёшдаги болаларни қаровсиз қолдирманг!

Уйдан чиқаётганда гугуртлар, зажигалкалар болалар осон топиб оладиган ерда қолдирилмаганини қайта-қайта текшириб кўринг!

Мактабларнинг ўқитувчилари, мактабгача болалар муассасаларининг ходимлари! Болаларга ўт билан ўйнашиш хавфли эканлигини кенг кўламда тушунтиринг. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши фактлари ва болаларнинг ўт билан шўхлик қилаётганликларини кўрганда бепарво ўтиб кетманг.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

ҚОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ҚОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ КОРХОНАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА УСКУНАЛАРИ, ЖИҲОЗЛАРИ, АРМАТУРА ВА ВА АСБОБЛАРНИ СОТИШ БЎЙИЧА

ЯРМАРКАЛАР ЎТКАЗМОҚДА

Муборак газни қайта ишлаш заводи — 1988 йил 18 январь (Қашқадарё области, Муборак шаҳри),

«Мубаректазфобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 1988 йил 19 январь (Қашқадарё области, Муборак шаҳри);

«Шўртангаз» газни қайта ишлаш бошқармаси — 1988 йил 20 январь (Қашқадарё области, Ғузор райони, Шўртан посёлкаси).

«Узбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қоровулбозордаги ишлаб чиқариш техника таъминоти ва комплектлаш базаси — 1988 йил 21-22 январь (Бухоро области, Қоровулбозор шаҳри).

СССР Савдо министрлиги

Савдодаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

қуйидаги фанлар бўйича доцентлар, катта ўқитувчилар, фан кандидатлари

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Савдода ҳисоб-китоб, ҳисоботларни назорат қилиш, янгича хўжалик юритиш шароитларида савдо экономикаси, савдо технологияси ва ...чи ташкил қилиш.

Конкурс муддати — 20 январгача.

Ариза ва ҳужжатлар филиал директори номига қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳри, 173-алоқа бўлими, Бобур кўчаси, 3-уй.

●

СССР Агросаноат давлат комитети

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

сиртқи бўлимга ҳужжатлар қабул қилиш 1988 йил 16 январда тўхтатилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Жигар циррози

● *Шифокор маслаҳати*

Жигар циррози оғир ва сурункали касаллик бўлиб, тиббиётда Абу Али ибн Сино, Цельс, Везалий каби буюк олимлар давридан бери маълумдир. Бу касалликни дастлаб олим Лаэнник илмий асосда ўрганган.

Гепатит билан оғриб, уни яхши даволамаслик оқибатида сурункали гепатитга ўтиш ҳамда алкоголизм, ошқозон-ичак системасининг сурункали касалликлари, безгак ва захм хасталиклари жигар циррозини келтириб чиқарадиган асосий сабаблардир. Кейинги йилларда химия саноатининг кенг миқёсда ривожланиши ва ишлаб чиқаришда кимёвий моҳсулотларнинг қўлланилиши бу касалликнинг кўпайишига олиб келди.

Шубҳасизки, мазкур касаллик, айниқса алкоголларда кўп учрайди. Спиртли ичимликларни доимий равишда суистеъмол қилиш натижасида аввало ошқозон-ичак системасида жигарнинг нормал функциясини бажариш учун керак бўладиган озуқа моддалар, витаминлар, оқсил моддалар етишмовчилиги содир бўлади. Қолаверса, алкоголиклар етарли даражада овқатланмайдилар, натижада жигарнинг озиқланиши бузилади. Спирт молекулалари ошқозон-ичак системасига шу билан бирга жигар ҳужайрасига ҳам бевосита заҳарли таъсир кўрсатади, цирроз ривожлана бошлайди.

Хасталик аста-секин бошланади ҳамда узоқ давом этади. У уч-беш йилгача билинмаслиги мумкин. Шу боисдан бемор хасталик асоратлари бошлангандагина ўз касалини сеза бошлайди. Баъзилар қорин бўшлиғида суюқлик тўплана бошлаганда унинг катталашганини сезадилар. Баъзилар эса соппа-соғ юрган ҳолда қон қусадилар.

Аслида беморни ўнг ва чап қобирға остидаги доимий оғриқ безовта қилади. Иштаҳа бузилади, кўнгил айнийди. Ўйқусизлик, бош оғриғи, қувватсизланиш каби белгилар жигар фаолиятининг бузилиши натижасида организмда ҳосил бўладиган заҳарли моддаларнинг марказий нерв системасига таъсири оқибатидир. Айрим ҳолларда бадан сариғайиб кетади, жигар ва қора талоқ катталашади. Бу циррознинг асосий белгиси бўлиб, портал гипертония дейилади. Жигар ҳужайраларининг ўрнини чандиқ эгаллагандан кейин, у жигар ичидаги майда қон томирларни ҳам ўраб, сиқиб қўяди. Натижада бу қон томирлари ҳам чандиққа айланиб кетади. Қон портал венага келаверади-ю, лекин чиқиб кета олмайди, шундан босим ниҳоятда ошиб кетади. Оқибатда оқсил моддалар қорин бўшлиғига сизиб туша бошлайди ва у ерда суюқлик кўпая боради. Организм сувсизланади, оқсил етишмаслиги натижасида жигарнинг иши янада сусаяди, бемор ҳолдан толади. Қорин бўшлиғида эса суюқлик 10 — 20 литргача тўпланади, буни халқ тилида истисқо касали дейилади.

Қон босимининг ниҳоятда кўтарилганлиги сабабли унинг бошқа майда тармоқларида — қизилўнгач ва тўғри ичакнинг шиллиқ қаватидаги веналарда ҳам босим ошиб кетади. Касалликнинг оғир асоратларидан бири ана шу веналар ёрилиб кетиб, қон кетишидир. Агар қизилўнгач деворининг венаси ёрилса, бемор қон қусади. Тўғри ичакнинг шиллиқ қаватидаги вена ёрилса, ичакдан қон келади. Кўпинча бемор шундан кейин ўлади.

Жигар циррози, доимо оғирлашиб борадиган касаллик. Лекин ўз вақтида ва етарли даво қилинса бемор тузалиши мумкин. Беморга камроқ юриш ва оғир жисмоний меҳнатдан сақланиш тавсия этилади. Чунки жисмоний меҳнат организмнинг ҳамма аъзолари, жумладан, жигарда ҳам қон айланишини кучайтиради.

Парҳез қилиш бу касалликда муҳим ўринни эгаллайди. Беморга осон ҳазм бўладиган, асосан қандга бой овқатлар, витаминлар тавсия этилади. Кейинги йилларда касалхона шароитида жигар циррозини терапевтик ҳамда жарроҳлик йўли билан даволашда муваффақиятларга эришиляпти. Бироқ хасталикнинг давоси мушкул бўлганлиги сабабли унинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

К. ДОЛИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

● *Табиат мўъжизаси*



Табиат шундай мўъжизакорки, бу инсон кўзига кўринмаган турган барча нарсада намоён бўлади. Айниқса қиш кунлари турли хил ҳайвон ва қушлар тимсолини тарновларда осилиб турган сумалаклар, қиров қўнган дераза ойналарида кўрганингизда ҳайрон қоласиз. Бу ҳодиса ўсимликларда ҳам юз беради. Сабзавот ва меваларнинг турли хил ҳайвонлар шаклидаги кўринишга кирилол қолдиради. Сиз кўриб турган суратда ҳам айни табиат мўъжизаси акс этган. Бу картошкалар Риштон районидаги «Ленинград» совхози далаларида етиштирилган.

Ш. АЛИМОВ.
(ЎзТАГ фотолари).

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

● *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — 120 минут. 9.05 — Мультфильмлар. 9.35 — «Қисқа учрашувлар». Бадиий фильм. 11.10 — Вир нафасда. 11.40 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Хужжатли фильм. 16.40 — Мультфильмлар. 17.05 — Тожикистон телевиденисининг программаси. 18.20 — Иқтисодий билимлар асослари. 18.50 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Хотин-қизлар. 19.50 —Дунё воқеалари. 20.10 — Л. Шепитько фильмлари телеэкранда. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15—Санъат усталари. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — «Нигоҳ». Тунги информацион. музикали программа.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 — Москва ҳайвонот боғида. 10.05 — Инглиз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — В. П. Катаев. «Оқариб кўринар ёлғиз бир елкан». 12.05 —Инглиз тили. 13.05 — «Вотқоқликдаги одамлар. Полесье хроникаси. Бадиий фильм. 4-серия. 14.15 — ва 18.35 — Янгиликлар. 18.45 —Саёҳатчилар клуби. 19.50 — Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Динамо» (Москва). Танаффусда. — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.15 — Скрипка ва оркестр учун 2-концерт. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Вотқоқликдаги одамлар. Полесье хроникаси». Бадиий фильм. 4-серия. 23.25 — Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. Хотин-қизлар. 00.05 —Янгиликлар. 00.15 — Футбол. В. А. Гранаткин хотираси учун халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1—ГФР терма командалари.

УзТВ-I. 6.55 — Ассалому-алайкум. Информацион-дам олиш программаси. 16.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.15 — Телефильм. 17.30 —Ўқитувчи экрани. 18.00 —Янгиликлар. 18.15 — Илгор тажриба —ишлаб чиқаришга. 18.45 Тилга эътибор. 19.30 —Ахборот. 19.45 —Телефильм. 20.00 —Ядросиз дунё учун. 20.30—Ахборот. 20.50 — Она диёрим. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Эртага премьера.

УзТВ-II. 19.30 — «Оддий эр, так». Бадиий фильм. 20.35 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 21.30 —Время. **Душанба:** 22.15— Таронаи меҳнат.

15 ЯНВАРЬ, ЖУМА

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 —Эстрада концерти. 9.30 — Оркестр куйлари. 9.45 — Радиотингловчилар муаммолар кўядилар, таклиф этадилар. 12.10 —Ўзбекистон бинокори. 12.30 —Замонавий шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — В. Борисенко ёзувлари янграйди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — «Ғунча»—«Юлдузча» ҳузурида меҳмонда. 15.50 — Болалар учун концерт. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Етоқхона — Визнинг уйимиз. 18.30 — Рубобда Қ. Усмонов чалади. 18.40 — Ленинча дўстлик байроғи остида. 19.20 —Огонёк. 20.15 — Касаба союзлари фаолиятининг қирралари. 20.30 — ЎзССР халқ артисти Х. Охунова куйлайди. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.10 — Бугун радиотеатрда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Халил Аҳмедович РАҲМАТУЛИНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг аппарати коллективи комитетнинг масъул ходими К. Ю. Содиқова онаси

Муаззам СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 10530. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 12. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12